

Умумий қисм.

1-Маъруза. Банк ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.

1.Банк иши тарихи.

Замонавий банк тизими тўла фақатгина XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа давлатларида саноатнинг тез суратлар билан ривожланиш даврида вужудга келган бўлсада, банк иши ўз илдизлари билан ўрта асрларга кетади. «Банк» атамаси ўрта асрларда италиялик савдогарларга улар савдо ишлари билан бораётган давлатлар валютаси билан таъминловчи пул алмаштирувчиларнинг столини биддирган италянча «Бапсо» сўздан келиб чиққан. «Вапсго!» сўзи ҳам шу сўздан келиб чиққан. Агар ўрта асрлардаги пул алмаштирувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаса, савдогарлар уни столини синдириб, уни банкрот деб эъён қилардилар.

Замонавий банк қуйидаги учта асосий операцияларни бажаради - 1) аҳоли ва юридик шахсларни бўш пул маблағларини қабул қилади. Банк ишида бу операциялар «омонат операциялари» деб аталади; 2) қабул қилган маблағлармч вақтинча пул маблағларига муҳдчэж бўлганларга тақдим этади, ёки «кредитлаш» билан шуғурланади; 3) юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширади. Асосий банк операцияларининг бири - кредитлаш содда шаклда қулдорлик давридан бошлаб ҳамма маданиятларда бўлган. Жамиятнинг бой аъзолари вақтинча пул маблағларга муҳгож бўлган шахсларга фоизлар билан қайтариш шарти билан қарз берганлар. Бу маблағлар уруш олиб бориш, узоқ мамлакатларга савдо ишлари билан бориш, давлат мансабларини сотиб олиш ва ҳоказо учун ишлатилган.

Банк тизимининг тез суратлар билан ривожланиши Европа давлатларида саноат тўнтарилиши билан боғлиқ бўлган. Саноатнинг ривожланиши ўз таваккалига товар етказувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга доимий молиявий ердам кўрсатилишисиз мумкин эмасдир. Банклар бир тадбиркорларнинг бўш маблағларини йиғиб, уларга муздгож иккинчи тадбиркорларга беришни бошлайди. Банклар ўша пайтида ҳам, ҳозирги даврда ҳам бир шахсларни бўш пулларини иккинчи шахсларга берувчи ва шундан анчагина фойда кўрадиган воситачи вазифасини бажарганлар ва бажарадилар. Кейинчалик банклар қимматли қоғозлар билан операцияларни фаол равишда бажаришга ўтадилар.

XIX аср ўртасида халқаро иқтисодий муносабатларни умумий интернационализацияланиши бошланганда ва битга мамлакат доирасида ривожланиш мумкин эмаслиги маълум бўлганда, тижорат банклар валюта бозорларида ўз операцияларини фаоллаштиришади. Халқаро ҳисоб-китоблар, миллий иқтисодларга чет эл инвестициялари кириб келиши, халқаро қимматли қоғозлар бозорлари тез суратда ривожлана бошлайди.

Замонавий банк тизими етакчи мамлакатларда тижорат банклари бошига қўйилган марказий (бош) давлат банклари пайдо бўлишидан кейин тўла шакилланади. Бу банкларга пул бирликларини босиб чиқиш, компаниялар ва тадбиркорлар ўртасида ҳисоб-китобларни ташкил қилиш, мамлакатнинг олтин ва валюта захираларини бошқариш, аҳолини тижорат банклар раҳбарларининг суйистеъмол ва нотўғри ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида тижорат банклар устидан назорат олиб бориш каби фавқулодда ҳуқуқла берилади.

Чор Россиясигача бўлган Марказий Осиёда Буюк ипак йўли фаолият кўрсатган даврида ҳам Ғарбий (Италия, Франция, Польша, Англия) ва ҳам Шапрқий (Хитой, Хиндистон, Япония) мамлакалари билан савдо ривожланган бўлган. Савдо, қишлоқ хўжалиги, хунармадликнинг тез тарзда ривожланиши қарз бериш операцияларини ривожланишини талаб қилган. Марказий Осиё савдогарлари бир бирларига ғарбдан тамаки, тери ва жун, шарқдан эса қурол яроқ, хрусталь, ширинликлар олиб келиш учун қарз беришган. ,

Европадан Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёга қуруқлик йўлидан орзон ҳисобланган ва португалиялик, испаниялик ва англиялик денгизчиларининг буюк географик кашфиётлари

билан очилга денгаз йўли Буюк ипак йўлини аҳамиятини пасайтиради ва бу йўл аста секин инкирозга учрайди. Ғарбий ва Шарқий давлатлар ўртасидаги куруқ йўл бўйича амалга оширилаётган савдо тўхтайд ва бу Марказий Осиё мамлакатларидаги нафақат савдогарлар, балки бутун аҳолини фаровонлигига таъсир қилади. Фоизларга қарз бериш анча пасаяди.

Марказий Осиёнинг Россия империясига қўшилганидан сўнг бу ерга банк ишининг замонавий шакллари кириб келади. Марказий Осиё XIX аср охири - XX асрнинг бошида капиталистик муносабатлар тез тарзда ривожланган Россия империясининг умумий иқтисодий тизимига аста секин кира бошлайди.

Россия банклари Марказий Осиё иқтисодининг қишлоқ хўжалиги ва кон қазиб олиш тармоқларини кредитлашни бошлайди. Қимматли қоғозлар бозора фаол этишни бошлайди. Марказий Осиёда шаклланган буржуазия синифи орасида биринчи банкирлар чиқа бошлайди. Лекин банк иши ўз ривожланишининг дастлабки даврида бўлади ва шу ҳолатда қолади.

Большевикларни ҳокимиятга келганларидан сўнг 1917 йил 27 декабрдаги декрет билан банк иши бутун Россия империясида, шу жумладан, Марказий Осиёда ҳам давлат монополияси деб элон қилинади, тижорат банклар давлат мулкига айлантирилади. Банк ходимларининг бир қисми чет элга чиқиб кетади, уларнинг бир қисмини Шўро ҳукумати кириб ташлайди, бир қисми эса янги ҳукуматга хизматга ўтади. 1917-1921 йиллар даврида тижорат банклар бекор қилинади, уларнинг вазифалари эса ҳисоб-бюджет бошқармасига юкланади. Лекин товар-пул муносабатларига рухсат этилган янги иқтисодий сиёсатга ўтиш даври тижорат банкларининг мавжудлиги зарурлигани кўрсатди. Шу сабабли Совет Иттифоқида янги кредит тизими шаклланади. Давлат банки кредит муассасалар, ва биринчи ўринда тижорат банклар фаолияти устидан назорат олиб боради. Тижорат банклар мулкнинг турли шакллари асосидан ташкил қилинади ва мижозларга хизмат кўрсатади.

1930-1932 йилларда ўтказилган кредит ислохотлар натижасида тижорат банклар бекор қилинади. Давлат банклари рубл билан назорат қилувчи органларга айланади. Банклар бир вақтда ҳам давлат органлари ҳам хўжалик фаолиятини юрутувчи юридик шахсларга айланадилар.

Собиқ Совет Иттифоқида банк тизими ва банк иши капиталистик давлатлар банк тизими ва банк иши ташкил қилиш принципларидан алоҳида принциплар асосида ташкил қилинган. Чор Россиясида банк фаолияти тармоғида бўлган муносабатларни Совет Иттифоқида давлат режа кўрсаткичларидан келиб чиқиб маъмурий-буйруқбозлик услуби билан тартибга солган. Кредитлаш тармоқлари ва ҳажми режа тартибида аниқланган, социалистик корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларга ҳамма корхоналар давлат мулки ҳисобланганлиги сабабли етарли аҳамият берилмаган.

Собиқ Совет Иттифоқида тижорат банкларга «чираётган капитализм» иқтисодининг бир элементи сифатида муносабат бўлган. Тижорат банклар юрагини ташкил қилган катга молиявий корпорацияларни бошқарадиган истеъдодли ва тажрибали молиячилар миллион меҳнаткашларни қонини ичадиган каапитализм «акулалари» деб элон қилинган. Тижорат банкларнинг ташкил қилиниши ва фаолияти учун на қонуний на иқтисодий шароитлар бўлган. Коммунистик партия томонидан шаклантирилган жамиятдаги фикр банклар бошқа бозор иқтисоди элементлари қаторида қоралаган.

1987 йилга қадар собиқ Совет Иттифоқида учта банк фаолият кўрсатган. Бу Давлат банки, Саноат-қурилиш банки ва Ташқи савдо банки. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Қўмитаси ва Совет Иттифоқининг Вазирлар Маҳкамасининг 1987 йил 17 июлдаги 821-сон Қарорига кўра шу учта банк асосида олтига банк ташкил қилинади. Давлат банки, Агрисаноат банки, Саноат-қурилиш банки, Ташқи иқтисодиёт банки, Меҳнат омонатлари банки, Қурилиш-ижтимоий банки.

Ҳисоб-китоблар, кредитлаш ва омонат операциялари юқорида кўрсатилган ихтисослашган давлат банклари томонидан амалга оширилган. Давлат банки бошқа банкларни бошқарган, социалистик корхоналарни кредитлаган, уларни маблағларини сақлаган, ва уларга ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатган. Саноат-қурилиш банк капитал қурилиш ва саноатга хизмат кўрсатган. Меҳнат омонатлари банки жиммоний

шахсларнинг омонатларини аниқ муддат ўтгандан сўнг қайтариш шарти билан сақлаган. Омонатлар муддати ўтгандан сўнг аниқ товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган мақсадли, ютуқли, фоизли ва ҳоказо бўлган. Ташқи иқтисодий банки социалистик корхоналарнинг ташқи савдолари билан боғлиқ бўлган банк операцияларини бажарган. Агросаноат банки агросаноат комплексига хизмат кўрсатган.

Давлат банки бошқа банкларни бошқаришига қарамай, Совет Иттифоқи банклари бошқа давлатлардаги банк тизимига ўхшаш икки поғонали банк тизимини ташкил қилмаган. Банклар ўртасида рақобат бўлмаган. Давлат банки ҳам ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун шарт бўлган мустақилликка эга бўлмаган. Унинг фаолияти кўп ҳолларида ижро органлари ҳаракатларига боғлиқ бўлган.

Банк тизимини, бу орқали бутун иқтисодни ривожланиши учун кучли сабаб бўлган ва Ғарбий давлатларнинг иқтисодий ҳаётида амалга ошириладиган кўп операциялар собиқ Совет Иттифоқи банклари томонидан амалга оширилмаган. Масалан, совет банклари қимматли қоғозлар, траст, лизинг, факторинг операцияларини амалга оширмаган.

Ҳеч қандай банк рақобати тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Банклар ўртасида миждозлар учун кураш бўлмаган. Бундай кураш ривожланган давлатларда банк хизмати сифатини ошириш учун жудда кучли стимул бўлади.

Корхоналарнинг қайси банкда ҳисобварағларини юрутишлари ва бўш маблағларини сақлашлари маъмурий тартибга аниқданарди. Банк ўз мажбуриятларини бажармаса ҳам, банк хизмати жуда паст даражада бўлса ҳам миждозлар хизмат кўрсатувчи банкларининг алмаштири олимасдилар. Шу сабабли банк ва миждоз ўртасидаги муносабатлар фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида тартибга солинса ҳам, корхоналар ҳисоб-китобларни ва кредитлашни амалга оширганда банклардан боғлиқ бўлиб қолардилар. Бундан башқари, банклар кўп ҳолларда корхоналар устидан назорат олиб борар эдилар.

Бундай нотўғри банк тизими товар ишлаб чиқарувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини, рақобатни, умуман мулдорликнинг кўп шакллилига эга бўлган бозор иқтисодиётини инкор қилган режалий иқтисоднинг мавжудлиги натижасида келиб чиққан ва фаол кўрсатган. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар маъмурий тартибда аниқланган, мамлакат ҳўжалиги маъмурий-бўйруқбозлик ва ягона мулк шакли (давлат мулки)да асосларида ташкил қилинган, социалистик корхоналарнинг манфаатлари бўлмаган. Бундай шароитда ҳўжалик субъектларига рақобат асосида хизмат кўрсатадиган, уларга керакли маблағларни етказиб берадиган ва улар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва кўп тизорат банкларини ўз ичига киритадиган банк тизимига эҳтиёж бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳолати, шу жумладан банк тармоғида ҳам, тўла марказдан боғлиқ бўлган. Ўзбекистон иқтисодиёти Совет иттифоқини ягона ҳўжалик комплексининг бир қисми бўлган. Ўзбекистонда фақат марказий аппарати Москвада бўлган юқорида кўрсатилган банкларнинг жумҳурият бўлимлари бўлган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири дунё талабларига жавоб берадиган ва ҳўжалик субъектларига ва жисмоний шахсларга бозор иқтисодиёти шароитларида хизмат кўрсата оладиган банк тизимини тузиш эди. Ўзбекистон Банк тизимининг ташкил қилиш асосий йўналишлари, унинг босқичлари ва банк тизимининг хусусиятлари банк тизимига бағишланган 2-бобда батафсил кўриб чиқилади.

Банк ҳуқуқи таърифи ва предмети

Юридик фанда Банк ҳуқуқ мақоми тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ ҳуқуқшунос-олимлар Банк ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси деб ҳисоблайдилар. Ҳуқуқ соҳаси деганда жамиятдаги муносабатларни нисбатан мустақил ҳисобланган кенг қисмини тартибга соладиган ҳуқуқ меъёрларини йиғиндиси тушинилади. Бу олимлар Банк ҳуқуқи ўз предмети ва услубига эгаллигини назарий асослайдилар ва амалий кўрсатадилар.

Хуқуқшунос-олимларнинг иккинчи гуруҳи Банк хуқуқини Молия хуқуқининг бир қисми, унинг хуқуқий инствдути сифатида таърифлайди. Бу олимларнинг фикрича, Банк хуқуқи биринчи навбатда пул муносабатларини тартибга солади. Молия хуқуқи давлат-ҳокимият, пул муносабатларини солганлиги сабабли, бу хуқуқий институт ўз ичига марказий банклар томонидан банк фаолиятини тартибга солшн, банк назоратини амалга ошириш, бюджетни кредитлаш, давлат қимматли қоғозларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни амалга тартибга солинади.

Хуқуқшунос-олимларнинг учинчи гуруҳд Банк хуқуқини соҳалараро хуқуқ интситути сифатида таърифлайди. Уларнинг фикрича банк хуқуқи ўз ичига молия, фуқаролий ва давлат хуқуқ соҳалари меъёрларини киритади. Тижорат банкларнинг мақомини ва уларни фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар фуқаролий қонунчилиги ҳужжатларида жойлашган. Масалан, тижорат банкларнинг хуқуқий мақоми жуда кўп хусусиятларга эга бўлганлигига қарамай, банклар юридик шахс ҳисобланадилар ва уларга тижорат юридик шахсларнинг фаолиятини тартибга солувчи қоидалар тегашлидир. Банк назорати, валютани тартибга солиш, пул муомиласини ташкил этиш Молия хуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Марказий банкнинг давлат органи сифатидаги фаолиятини Конституцион хуқуқ меъёрлари томонидан тартибга солинади.

Франция хуқуқшунос - олимлари мустақил хуқуқ соҳаси деб Кредит хуқуқини тан олишади. Кредит хуқуқи кредит ташкилотларининг фаолиятини тартибга солади. Банкларнинг эса улар кредит ташкилотларининг бир тури деб тан олишади.

Бизнинг фикримизча, Банк хуқуқини мустақил хуқуқ тармоғи деб белгилайдиган биринчи гуруҳ олимлар ҳақиқатга яқиндирлар.

Аниқки, жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш предмети и услуги хуқуқ меъёрларининг йиғинларини мустақил хуқуқ соҳасига ажратиш асосий критерияларидир. Хуқуқий тартибга солиш предмети - бу жамиятдаги муносабатлардир. Жамиятдаги муносабатлар турли бўлиб, улар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб хуқуқнинг у ёки бу соҳалари томонидан тартибга солинади.

Жамиятлардаги муносабатлар қўйидаги ички структурага эгадир: 1) муносабатлар иштирокчилари. Жамиятдаги муносабатларда жисмоний шахслар ва уларнинг бирлашмалари, юридик шахслар ва уларнинг бирлашмалари, давлат органлари, мамурий-худудий бирликлар, давлат, халқ, миллат ва ҳоказолар муносабат иштирокчилари ҳисобланади; 2) муносабатлар объектлари. Субъектларнинг манфаати билан боғлиқ бўлган турли предметлар ва ҳаётдаги ҳодисалар жамиятдаги муносабатларда объект бўлади: мулк, жисмоний шахсларнинг ўзлари, уларнинг издатлари, шаъни, бошқариш тартиби ва ҳоказо;

3) муносабатларнинг мазмуни, яъни субъектларнинг объектга йўналтирилган ҳаракатлари ва сўзлари;

4) муносабатларларнинг асослари. Бу - жамиятдаги муносабатларни келиб чиқишига, ўзгаришига ва тугатилишига олиб келадиган ҳаётдаги ҳодисалар ёки инсонларнинг ҳаракатлари.

Шу тўрта элементлардан келиб чиқиб, жамиятдаги муносабатлар мулки, бошқарув, оилавий, шахсий ва ҳоказо муносабатларга бўлиниши мумкин.

Замонавий жамиятларда муносабатларнинг кўп қисмини мулкий муносабатлар ташкил қилади. Мулкий муносабатлар - бу муносабат субъектларининг мулкка нисбатан қилган ҳаракатларидир.

Мулкий муносабатлар хуқуқнинг турли соҳалари меъёрлари билан тартибга солинади. Бу аввалам бор Фуқаролий хуқуқи. Мулкий муносабатлар шунингдек Хўжалик хуқуқ, Маъмурий хуқуқ, Молиявий хуқуқ ва бошқа хуқуқ соҳалари меъёрлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар мулкий муносабатларнинг объекти сифатида пул маблағлари бўлса, бундай муносабатлар аввалам бор Молия хуқуқи ва Фуқаролик хуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Банк хуқуқи ҳам пул муносабатларни тартибга солади. Банк хуқуқи тартибга соладиган

муносабатларнинг бошқа ҳуқуқ тармоғлари билан тартибга солинадиган пул муносабатлардан асосий фарқи бу муносабатларнинг субъектларидадир. Банк ҳуқуқи фақат муносабатларнинг ҳеч бўлмаса бир томони тижорат ёки марказий банк бўлган пул муносабатларини тартибга солади. Бу муносабатлар банк муносабатлари деб аталади.

ш Бундай муносабатлар Банк ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солингандан сўнг банк-ҳуқуқий муносабатларга айланади. Муносабат иштироқчилари ҳуқуқий муносабатнинг аниқ ҳуқуқий мақомга эга бўлган субъектларига айланади. Банк муносабатларнинг объектлари аниқ ҳуқуқий тартибга эга бўлади. Муносабатларнинг мазмуни ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклига ўтади. Муносабатларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ва бекор қилиниши асослари юридик факлар мақоми сифатларини қабул қилади.

Банк ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ тармоқларидан асосий фарқи банк муассасаларининг алоҳида ҳуқуқий мақомидадир. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан банк - банк фаолияти ҳисобланган жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни қабул қилиш, уларни кредитлашга ва инвестициялашга сарфлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатадиган юридик шахс ва тижорат ташкилотдир.

Тижорат банкларнинг бошқа ташкилотлардан асосий фарқи кредит, омонат ва ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширишдадир. Кўп молиявий ташкилотлар шу операцияларни ҳам бажаришлари мумкин. Масалан, инвестицион компания ва инвестицион фондлар жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатларни жалб қилиб, бу маблағларга бошқа ташкилотларнинг акцияларини ва улушларини сотиб олиши мумкин. Кпи&ШГ ташкилотлар жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ҳисоб-китоб амалга оширишлари мумкин. Ўзаро кредит жамиятлари ўз аъзоларига кредитлар бериши мумкин.

Банк деб фақат юқорида кўрсатилга учта операциялар турини ҳаммасини бажарадиган ташкилот ҳисобланади. Бу - банкларнинг бошқа кредит муассасаларидан биринчи фарқи.

Банкларнинг бошқа кедит ташкилотлардан иккинчи фарқи - фақат тижорат банклар учинчи шахсларнинг маблағларини кредитлашда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу нуқтаи назардан банкларга инвестицион компаниялар ва инвестицион фондлар яқин туради. Бу ташкилотлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, инвестицион компаниялар ва инвестицион фондлар бошқа ташкилотларга жойлаштирган маблағларга эга бўлиб қоладилар. Улар сотиб олинган корхоналар акциялари ва улушлари, яъни шу корхоналари мулкдори бўлади. Банк ташкилоти кредит берганда берилган пул маблағларига мулкдорлик ҳуқуқини йўқатади. Унинг ўрнига аниқ вақт ўтгандан сўнг берилган маблағларни фоизлари билан қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар берилган кредит маблағларга қарз олувчи томонидан сотиб олинган мулкка эгалик қила олмайдилар.

Банкларга ўзаро кредитлаш жамиятлари ҳам жуда ўхшашдир. Бу жамиятларнинг банк ташкилотларидан асосий фарқи шундаки, улар фақат ўз аъзоларига ўз аъзоларидан йиғилган бадаллардан кредитлар бериши мумкин. Банклар эса бир шахснинг бўш пул маблағларини иккинчи шахсларга вақганча такдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Банкларнинг айнан шу ҳуқуқи банк тизимини асосида ётади. Айнан шу ҳуқуқ банклар учун ўрнатилган жуда кўп талабларга сабабдир. Бу талабларнинг асосий мақсади банклар томонидан аҳоли ва юридик шахсларнинг жалб қилинган маблағларини сақланишини, уларни вақтида қайтарилшини, банк тизимининг барқарорлигани таъминлашдир. Ривожланган давлатлар банк ҳуқуқи бўйича олимлари банкларнинг бошқа кредит ташкилотлардан асосий фарқи талаб қилиниб олгунча депозитларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини аниқдайди.

Шундай қилиб, Банк ҳуқуқи предмети - ҳеч бўлмаса бир томони банк муассасаси бўлган жамиятдаги муносабатлардир.

Ҳуқуқ меъёрларини ҳуқуқ соҳалари ўртасида тақсимлаш учун иккинчи асос - бу ҳуқуқий тартибга солиш услубидир. Ҳуқуқий тартибга солиш услуби ўз ичига қўйидаги элементарни киритади:

1) ҳуқуқ тармоғи меъёрлари билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатлар қатнашгаиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзаро боғлаш усуллари. Банк- ҳуқуқий

муносабат томонлари ҳам бири иккинчисига бўй синадиган «вертикал» (масалан, ЎР МБ томонидан банк назорати амалага ошириш жараёнида тижорат банклар Марказий банк талабларини бажаришлари шарт), ҳам бир бирига тенг бўлган «горизонтал» (масалан, банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабатлар фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида тартибга солинади ва шартнома томонлар тенг ҳуқуқлидир) муносабатларни боғлаш усулидан фойдаланади.

2) ҳуқуқий муносабатларни келиб чиқишига, ўзгаришига ва бекор қилинишига асос бўлган юридик фактлар йиғини. Банк соҳасида юридик фактлар сифатида аввалам бор кредитлаш, омонатларни қабул қилиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асос бўлади. Куп банк ҳуқуқий муносабатларида юридик факт сифатида Марказий банк расмий ҳужжатлари бўлиши мумкин. Масалан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига биноан Марказий банк Бошқарувининг тижорат банкка лицензия бериш тўғрисидаги қарори тижорат банкка лицензияда кўрсатилган операцияларни бажариш ҳуқуқини беради.

3) ҳуқуқий муносабатлар субъектларини ҳуқуқ ва мажбуриятларини шакллантириш усуллари. Банк ҳуқуқининг хусусияти шундаки, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жуда кўп ҳолларда банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда аниқланади. Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай замонавий давлат молиявий ва кредит имтизомни мустаҳкамлаш ниятида банк фаолиятини қаттиқ тартибга солади.

Баъзи бир ҳолларда субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фуқаролий-ҳуқуқий шартномаларда белгиланади. Кредит, омонат ва ҳисоб-китоб шартномаларини имзолаб банк ва мужоз ўзларига ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилайдилар.

4) ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажармаганлиги учун ўрнатилган чоралар, уларни амалга ошириш усуллари. Аниқки, юридик амалиётда мажбуриятларни бажармаганлик учун чораларнинг тўрт тури бор - жиноий-ҳуқуқий, маъмурий- ҳуқуқий, фуқаролий-ҳуқуқий ва меҳнат муносабатларини бузилганлиги учун қўлланадиган чоралар. Жиноий, Фуқаролий, Маъмурий ва Меҳнат ҳуқуқидан бошқа ҳамма ҳуқуқ соҳалари юқоридаги чоралар аралашидан фойдаланади. Банк ҳуқуқи ҳам шу ҳуқуқ соҳалари қаторига киради. Банк ҳуқуқи маъмурий- ҳуқуқий ва фуқаролий-ҳуқуқий чоралардан фойдаланади. Агар тижорат банклар Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаса, мажбурий захира талабларини бажармаса, Марказий банк давлат назорат органи сифатида бунай банкларга нисбатан «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонун меъёрларига асосан чоралар кўради. Агар тижорат банклар мижозлари билан имзоланган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармасалар, шартномада ва фуқаролий қонунчилигида кўрсатилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шундай қилиб, Банк ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажратадиган ва ўз хусусиятларига эга бўлган ҳуқуқий тартибга солувчи предмети ва услубига эгадир ва Банк ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида қабул қилиш учун етарли асос бордир.

3. Банк ҳуқуқи тизими.

Ҳуқуқ соҳаси сифатида Банк ҳуқуқи турли банк операцияларини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига киритади. Уларнинг ҳаммаси жамиятдаги муносабатларнинг катта бир гуруҳини ёки уларнинг бир компонентини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий институларга бирлаштирилади. Банк ҳуқуқининг ҳуқуқий институтлари иккита кичик ҳуқуқ соҳаси - банк тизими ва банк операциялари соҳаларига бирлаштирилади.

Биринчи кичик банк ҳуқуқи соҳаси ўз ичига иккита ҳуқуқий институтни киритади - 1) Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, мақсади, ваколатлари, вазифалари, фаолиятини тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига киритган ҳуқуқий институт ва 2) тижорат банкларнинг ташкил қилинишини, қайта ташкил қилинишини ва бекор қилинишини, уларнинг ҳуқуқий

мақомини, бошқаришни, бошқарув органларини ваколатларини, филиал ва ваколатхоналарини ҳуқуқий мақомини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрларнинг ўз ичига киритган ҳуқуқий институт.

Иккинчи кичик ҳуқуқ соҳаси банк операцияларини амалга ошириш бўйича жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига киритади. Бу кичик ҳуқуқ соҳаси ўз ичига кредитлашни, омонатларни қабул қилшпни, ҳисоб-китобларни, банк сирини ва хоказоларни тартибга соладиган бир неча ҳуқуқ институтларини ўз ичига киритади.

Банк ҳуқуқи меъёрлари ўртасида Банк ҳуқуқининг ҳамма институтларига тегашли баъзи меъёрларни ажратса бўлади. Бу меъёрлар Банк ҳуқуқининг **Умумий қисмини** ташкил қилади ва банк назорати, банк операцияларини лицензиялашни тартибга солади ва банк тизимига ва банк операцияларига тегашли умумий қоидаларни аниқлайди.

Банк муносабатларини тартибга соладиган бошқа меъёрлар Банк ҳуқуқининг **Махсус қисмига** киради. Бу ерда Марказий банкнинг ҳуқуқий мақомини, ваколатларини бошқариш тартибини, тижорат банкларнинг ташкил этишни, қайта ташкил этишни ва бекор қилинишини, уларни бошқариш тартибини ҳуқуқий тартибга соладиган меъёрлар бирлаштирилган. **Махсус қисмининг** кўп меъёрлари банк операцияларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган.

Банк ҳуқуқининг тизими Банк ҳуқуқи курсининг тузилишини аниқлайди. Банк ҳуқуқи курси ҳам Умумий ва Махсус қисмга бўлинади. Банк ҳуқуқи курсининг Умумий қисмида Банк ҳуқуқи предмети ва услуби, банк банк тизими (Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва хусусиятлари, поғоналари ва поғоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказо) ва банк операциялари (уларнинг моҳияти ва аҳамияти, ҳуқуқий таърифи ва турлари ва ҳоказо) умумий қоидалари, банк ҳуқуқий муносабатлар, банк қонунчилиги каби саволлар кўриб чиқилади. Банк ҳуқуқи курсининг Махсус қисми банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, ваколати, вазифалари ва бошқаруви, тижорат банкларнинг ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилшп, банк операцияларини алоҳида турларини амалга ошириш ҳуқуқи тартибга солиш, банк сири, банк соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик каби масалаларга бағишланган.

2-Маъруза. ЎР Банк тизими

1.ЎР банк тизимининг тикланиши.

Мустақил давлат иқтисодиетини етарли кредит ресурслар билан таъминлай оладиган, турли мулк ва ташкилий-хуқуқий шаклида пайдо бўлган корхоналар хўжалик фаолияти жараенида ҳисоб-китобларни услуксиз амалга оширишни таъминлайдиган, мустақилликнинг биринчи йилларида ЎР биринчи навбатда ривожланишини талаб қилган иқтисод соҳаларига инвестицияларни жалб этиш имкониятини яратадиган, ташқи савдо муносабатларини либериллаштириш шароитларда корхоналарнинг ташқи фаолиятига хизмат кўрсата оладиган банк тизимини бутунлай бошидан ташкил қилиши зарур эди.

Банк тизимидаги ислоҳотлар давлат мустақиллигига эришилгандан кейин олиб бориладиган иқтисодий ислоҳотларни ажралмас қисми эди. Халқаро стандарлар талабларига жавоб берадиган банк тизимини ташкил этиш молия соҳасини ислоҳотлаш мақсадларидан бири эди. Ўзбекистон Р^Аспубликаси Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида «Марказий банк томонидан бошқараладиган ва ўз ичига мустақил ва хусусий банкларни киритадиган банк тизимини шакллантиришни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар йирик банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очилиши учун қулай шароитларни яратиб беришни» бозорга ўтишнинг биринчи босқичининг асосий тадбирлардан деб ёзади.

Банк тизимини ислоҳотлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. 1992 йилнинг сентябр ойида собиқ Совет Иттифоқи Давлат банкининг Ўзбекистондаги жумҳурият бўлими тўла Ўзбекистонда банк тизимини ташкил этиш ва бошқариш юклатилган Ўзбекистон Марказий банкига қайта ташкил қилинган.

Мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб ҳозирги давргача банк ислоҳотларини икки босқичини ажратса бўлади. Биринчи босқичда замонавий банк тизимининг асослари яратилади: керакли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади, институцион ислоҳотлар ўтказилади, банк назорати ташкил қилинади, янги ташкил қилинган банклар моддий-техник таъминланди.

Банк соҳаси ислоҳотларида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни муҳим рол ўйнади. У Марказий банкка ижро органларидан мустақиллик берди, республикада тижорат банкларнинг ташкил қилиш ва уларга фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратди.

1994 йил 1 июльдан бошлаб республика уз валютасига ўтиши ҳам банк ислоҳотлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. ЎР Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»ги асарида 1994 йил 1 июльдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида муомилага миллий валютасини - сўмни ягона тўлов воситаси сифатида киритиши чиндан революцион қадам бўлди деб ёзади.

Миллий валютани киритилиши ЎР МБ кўл остида ўтказиладиган жудда кўп тадбирларни ўтказишни талаб қилди. Банк ташкилотлари томонидан мулкӣ ва ҳуқуқӣ-ташкӣлий шаклидан қатъӣ назар Ўзбекистон ҳудудида рўйхатта олинган ҳамма юридик шахсларнинг ҳисобварағлардаги маблағлари, бутунлай асосӣ ва айланма фондлар ва бошқа моддий бойликлари, кредитор ва дебитор қарздорликлари, республика ва маҳаллий бюджет қолдиқларининг қиймати қайта ҳисобланган.

1995 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида икки поғоналик банк тизими шаклланади. Банк тизимини юқори поғонасини эганлаган Марказий банк банк тизимига раҳбарлик қилади, банк хизматлари соҳасидаги қоидаларни ўрнатади, тижорат банкларни назорат қилади.

Банк тизимининг иккинчи поғонасини турли тижорат банклар ташкил қилади. Бу - универсал, яъни банк операцияларини ҳамма турларини бажарадиган, ва ихтисослашган, яъни иқтисодни аниқ тармоқларига хизмат кўрсатадиган ёки банк операцияларини баъзи бир

турларини кўп бажарадиган банклар; филиалларга эга бўлган ва филиаллари йўқ банклар; Ўзбекистон банклари, қўшма банклар ва чет эл банкларининг шўъба банклари ва ҳоказо банклардир.

Марказий банк ўзи ҳам кардинал ўзгарди. Унинг ҳуқуқий мақоми, мақсадлари ва вазифалари ўзгарди. Агар Совет Иттифоқи даврида ЎР МБ режавий иқтисодда иккинчи даражали элемент ҳисобланган бўлса, мустақилликка эришилгандан сўнг иқтисодий ислохотларда Марказий банкка асосий роллардан бири ажратилди.

Ислохотларга давлат томонидан раҳбарлик қилиш принципи ЎР Президенти томонидан таклиф қилинган ва жамиятда ислохотларни ўтказиш пайтида кўлланадиган бешта принциплардан биридир. Шу принципдан келиб чиқиб, Марказий банк молия соҳасида ўтказилаётган ислохотларга раҳбарлик қилади, бошқа соҳаларда ўтказилаётган ислохотларда фаол қатнашади. Ислохотларни ўтказиш пайтида ўз маъмурий ваколатлари қаторида ЎР МБ бозор инструментларидан ҳам фойдаланади. Бу - унинг очик бозордаги операциялари (масалан, давлат қимматли қоғозларини олди-сотди операциялари), қайта молиялаш фоизлари (бу фоизлар тижорат банклар олган кредитлари учун тўланадиган фоизлардир), тижорат банклар учун ўрнатилган мажбурий резерв талаблари (тижорат банклар учинчи шахслардан қабул қилган маблағларини ЎР МБ томонидан ўрнатилган фоизда ЎР МБ ўтказиш мажбуриятлари)ни миқдорини тартибга солиш бўйича чоралардир.

Ташқи алоқалар ривожланиши ва дунё иқтисодига ҳар томонлама интеграциялашга йўнатилган давлат сиёсатини амалга ошириладиган валюта операцияларини ва халқаро ҳисоб-китобларни бирдан кўпайиб кетишига олиб келди. «Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун меъёрларига биноан ЎР МБ валютани тартибга солувчи ва валюта назорати асосий органи ҳисобланади ва ташқи алоқаларни тартибга солиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштирди.

ЎР МБ тузилмаси ҳам анча ўзгарди. Валютани тартибга солиш, банк назоратини амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича тузилмалар ташкил қилди. ЎР МБ ходимларининг тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича чоралар доимо амалга оширилмоқда.

Агар банк ислохотларининг биринчи босқичида миқдорий ислохотлар босқичи деб атайдиган бўлсак, 1995-1996 йилларда бошланган ислохотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор ислохотларнинг сифатига ажратилган.

Банк ислохотларининг иккинчи босқичи иккида банк қонунлари «Марказий банк тўғрисида»ги Қонун ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши билан бошланди. Бу икки қонун банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича дунё тажрибасини ўрганиб чиқилгандан сўнг халқаро молиявий ташкилотларнинг етакчи мутахассислари иштироқида қабул қилинган.

Банк ислохотларининг иккинчи босқичи тадбирлари асосан банк хизматларини сифатини халқаро стандарларгача ошириш, дёнё тўлов муносабатларига интеграция қилишга имконият яратиб берадиган тўлов тизимига ўтиш, банк соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этишга йўнатилган. Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида, валюта бозорида фаолиятлари ривожланмоқда, банклар банк операцияларини янги турларини - лизинг, факторинг, сейфлар ва махсус хоналарни ижарага бериш каби операцияларни ўзлаштирмоқдалар.

Етакчи дунё банкларининг Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган қизиқишлари ошмоқда. Улардан бир қанчаси Ўзбекистонда ўз ваколатхоналари ва шўъба банкларини очдилар. Ўзбекистон ҳудудида қўшма банклар ташкил қилинмоқда.

Банк тизимини ахборот, илмий ва ходимлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Банк тизимида юқори раҳбарият учун мутахассисларни тайёрлаш учун Банк-молия академияси ташкил қилинди. Банк ва ҳисоб-кредит коллежи банклар учун ўрта бўғим мутахассисларини тайёрлайди. Худудий банк ўқув марказий банк ходимларини аниқ йўналишлар бўйича қайта тайёрлайди.

2. Банк тизими тушунчаси.

Фақат тижорат банклар билан бир қаторда банк тизимига раҳбарлик қилиш функциясини бажарадиган бош давлат (марказий, миллий) банклар пайдо бўлгандан сўнг банк тизими тўғрисида гапирса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси **банк тизими** - бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатиётган банклар йиғини ва улар ўртасидаги муносабатлар асосларидир. Бизнинг республикамиз ҳудудида ўтгаздан ортиқ банклар миқдорларга хизмат кўрсатади.

Банк тизими тушунчаси ўз ичига миқдорий кўрсаткичлардан ташқари банклар ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга ошириш тартибини киритади. Банк тизими - бу банк ташкилотларининг одий йиғини эмас, бу шунингдек улар ўртасидаги боғлиқлар, қарамликларди. Янги ташкил қилинаётган банклар фаол кўрсатиётган банклар билан яқин боғланадилар. Битта банкнинг муаммоси бошқа банкларга таъсир қилади, агар муаммо бир неча банкларда бўлса, бу бутун банк тизимга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк тизими давлат хўжалигани керакли пул маблағлар билан таъминлайдиган давлат иқтисодиётни қон томирлари тизиминидир.

Кўп давлатлар сингари, Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки поғоналидир. Биринчи поғонани ЎР МБ ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари ташкил қилади. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси бош давлат банки ҳисобланади ва банк тизимининг ядросини ташкил қилади.

Иккинчи поғонани миқдорларга банк хизмати кўрсатадиган ҳамма тижорат банклар ташкил қилади. Жисмоний ва юридик шахслар тижорат банкларга миқдорларидир. Тижорат банкларнинг миқдорларининг кўпи давлат ва нодавлат хўжалик юртурувчи субъектлардир. Бу хўжалик юртурувчи субъектлар тижорат банкларда ўз пул маблағларини сақлайдилар, улар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширадилар, банкнинг бошқа хизматларидан фойдаланадилар. Банк хизмати пуллик асосида тақдим этилади. Банк хизмати учун тўловлар банк ва миқдор ўртасида имзоланган фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида белгиланади.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, банк тизими ўз ичига қатор техник ва ташкилий кўрсаткичларни ҳам киритади. Ҳамма банклар ягона банк алоқаси орқали бир бирлари билан боғланганлар. Битта банкни хизмат учун танлаган миқдор нафақат Ўзбекистон банклари, балки бутун дунё банклари миқдорлари билан ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари банк тизимдаги этика талаблари, банк ходимларини ҳуқуқ, муомаласи ва фикрлаши, банк ходимларини бошқа соҳаларга қараганда малкалиликлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

3. Банк тизими поғоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

ЎР МБ банк соҳасида марказий ижро органи ҳисобланади. Тижорат банкларга нисбатан ЎР МБ маъмурий ваколатларга эгадир. Банк қонунчилигида белгиланган доирада ЎР МБ тижорат банклар бажариши шарт бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши, банклар учун мажбур бўлган талаблар ўрнатиши, ҳуқуқбузар банкларга нисбатан чоралар кўриши мумкин.

Лекин ЎР МБ тижорат банклар билан бўлган баъзи бир муносабатлар фуқаролий-ҳуқуқий услуб билан тартибга солинади. Масалан, УР МБ бўш маблағларини пул-кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб аукцион орқали тижорат банкларга кредит сифатида сотиши мумкин. Аукцион якуни бўйича Марказий банк ва аукционда ғолиб чиққан тижорат банки ўртасида фуқаролий-ҳуқуқий битим - кредит шартномаси имзоланади. Бу шартномада томонларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун жавобгарлик аниқланади. Бундай муносабатларда ЎР МБ тижорат банкларига нисбатан ўз маъмурий ваколатларидан фойдалана олмайди ва тижорат банклар ЎР МБ билан тенг ҳуқуқ ҳисобланади.

Тижорат банклар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлиб, фақат фуқаролий-ҳуқуқий услубда тартибга солинади. Ҳеч қандай ҳолларда тижорат банклар бир бирларига нисбатан маъмурий ҳаракатлар бажара олмайдилар. Улар бир бирларидан имзоланган шартномадан келиб чиққан мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақлари бор.

Тижорат банклар нафақат мижозларга, балки бир бирларига ҳам хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклараро келишувлардан энг тарқалганларидан бири корреспондент муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги шарномадир. Бундай шарномани имзолаган икки банк бир бирларига корреспондент ҳисобварақ очади ва ЎР МБ ҳдсоб марказини ҳисоб-китоблар жараёнидан чиқариб ташлайдилар.

Шундай қилиб, икки поғона банк муассасалари ўртасидаги муносабатлар вертикал (баъзи бир ҳоллар бундан истисно), яъни мамурий, муносабат субъектларининг бири иккинчисига бўй синадиган муносабатлар бўлса, иккинчи поғоналари банклари (тижорат банклар) ўртасидаги муносабатлар горизонтал, тенг ҳуқуқли муносабатларди. **Банк қонунчилиги.**

Қонунчилик деганда давлат органлари томонидан ўрнатилган тартибда ва шаклда чиқарилган ва ҳамма учун мажбур бўлган ҳуқуқий (меъёрий) ҳужжатлар йиғинини тушуниш керак. Олий Мажлис ва марказий ижро органлари ўз ваколатлари доирасида Конституция ва қонунларга риоя қилинган ҳолда ҳуқуқ меъёрларини ўз ичига киритган меъёрий ҳужжатларни чиқаради.

Банк қонунчилиги - бу банк тизимини ва банк операцияларини тартибга соладиган, ўрнатилган тартибда ва шаклда ваколатли давлат органлари томонидан чиқарилган ва ҳамма учун мажбур бўлган меъёрий ҳужжатлар йиғинидир.

Банк қонунчилиги ЎР МБнинг ҳуқуқий мақоми, мақсадлари, ваколат ва функциялари, бошқаруви ва тизими, тижорат банкларнинг ҳуқуқий мақоми, ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилиш тартиби, уларнинг ижро органлари, банк операцияларни амалга ошириш шароитлари ва тартиби каби масалаларни тартибга солади.

Банк қонунчилиги ташкил қиладиган меъёрий ҳужжатлар турли органлар томонидан чиқарилади. Шу органларни батафсил кўриб чиқамиз.

Олий Мажлис олий юридик кучга эга болган меъёрий ҳужжатлар -қонунларни чиқарадиган бош ва ягона қонун чиқарувчи органдир. Олий Мажлис жамиятдаги ҳаётнинг ҳамма томонларини, шу жумладан, банк фаолиятини ҳам тартибга соладиган қонунларни чиқаради. Бошқа ҳамма меъёрий ҳужжатлар қонунлага зид бўлмаслиги керак. Банк соҳасига тегашли меъёрий ҳужжатларни қабул қиладиган ваколатли органлар қонунларда кўрсатилган чегарадан чиқмаган ҳолда меъёрий ҳужжатларни қабул қилишлари керак. Бу қонун ости деб аталадиган меъёрий ҳужжатларнинг қоидалари қонунлардаги қоидаларни ривожлантириши, батафсиллантириши мумкин, лекин қонунлар мазмунини ўзгартириш ёки уларга қушимчалар китиши мумкин эмас.

Юридик кучи бўйича қонунлардан кейин турадиган ЎР Президентининг фармонлари банк фаолиятини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

Банк фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларнинг асосий қисмини ЎР МБ чиқаради. Банк соҳасида ижро органи ҳисобланган ЎР МБ банклар фаолиятини ҳамма томонларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар чиқаради.

ЎР Вазирлар Маҳкамаси ҳам банк фаолияти соҳасига тегашли меъёрий ҳужжатлар чиқаради. Умумий ваколатли ижро органи ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси жамиятдаги ҳаётнинг ҳамма тарафларига тегишли қонуности ҳужжатлар қабул қилади. Кўп ҳолларда унинг ҳужжатлари банкларга ҳам тегашли ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига киритади.

Солиқдар ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида ва тўла ҳажмда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўлашни таъминлаш асосий вазифаси бўлган Давлат солиқ қумитаси банклар солиқдарни тўлашлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни олиб боришларидан мажбур бўлган қоидаларни чиқариши мумкин.

Бошқа давлат органлари ўз ваколатлари доирасида банклар учун ҳам бажарилиши шарт бўлган меъерий ҳужжатларни чиқаришлари мумкин ва банклар уларга риоя қилишлари шарт. ЎР Президенти фармонларидан ташқари ҳамма қонуности меъерий ҳужжатлар ЎР МБ билан биргаликда чиқарилиши керак ёки расмий тартибда УР МБ билан келишилган ҳолда чиқарилиши шарт.

ЎР Конституцияси умумий қонунчиликнинг, шу жумладан банк қонунчилигининг асоси ҳисобланади. Конституция меъерлари қонунчиликнинг ҳамма соҳалари учун асос солувчи ҳисобланиб, жамиятдаги ҳаётнинг ҳамма томонларини, шу жумладан банк фаолиятини ҳам тартибга солишни асосий қоидаларини ўрнатади. Конституциянинг 124-моддаси банк тизимига бағишланган ва унда «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаради» дейилган.

Ўзбекистон республикасининг замонавий банк қонунчилигининг ядросини икки қонун - 1995 йил 21 декабрдаги «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар ташкил қилади. Бу икки қонун аввалги 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон ССР «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун ўрнига қабул қилинган.

«ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонун ЎР МБ банк тизими ядро сифатидаги фаолияти билан боғлиқ асосий масалаларни тартибга солади. Бу Қонун ЎР МБнинг бош мақсади ва асосий вазифалари, унинг банк тизимининг бошқариш бўйича ваколатлари, функция ва вазифалари, бошқарув органлари ва шу каби бошқа масалаларни тартибга солади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун тижорат банклар фаолиятини тартибга солувчи қонундир. Бу Қонун тижорат банкларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилишга, тижорат банклар учун амалга ошириш тақиқланган фаолиятларга, банк операцияларини амалга оширишга тегишли асосий қоидаларни ўз ичига киритади.

Шу икки қонун асосидан ЎР МБ тижорат банкларининг фаолиятини ҳамма томонига тегишли меъерий ҳужжатлар қабул қилади.

ЎР Фуқаролий Кодекси банк фаолиятини тартибга солувчи муҳим меъерий ҳужжатлардан биридир. Банк фаолиятини асосий тури ҳисобланган банк операциялари Фуқаролий ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Банк операцияларига бағишланган бобларни ўрганилганда банк операцияларини тартибга солиш фуқаролий-ҳуқуқий ҳарактерга эга эканлиги кўрилади. Тижорат банклар ўртасидаги, тижорат банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ва қисман ЎР МБ ва тижорат банклар ўртасидаги муносабатлар фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар билан тартибга солинади. Тижорат банклар учун мажбур ва зарур бўлган учта асосий банк операцияларининг ядросининг кредит, банк ҳисобварағи ва омонат шарномалари ташкил қилади. Тижорат банкларга банкларнинг тижорат юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми Фуқаролий кодекснинг юридик шахсларга тегишли ҳамма меъерлари тегишлидир.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан тижорат банклар қоида таризида акциядорлик жамиятлар шаклида ташкил қилиниши сабабли 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун меъерлари ҳам банкларга таъсир қилади. Бу қонун акциядорлик тижорат банкларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш (тасисчиларни умумий йиғилишини ўтказиш, банк ташкил қилиш тўғрисидаги тасис шартномани тузиш, акцияларни эмиссия қилиш тартиб ва шартларини ўрнатиш), акциядорларнинг банкни бошқаришдаги ва дивидендлар олиш ҳуқуқлари, акциядорлик тижорат банклар бошқарув органларининг ваколатлари ва банкларни акциядорлик жамиятларга тегишлилиги билан боғлиқ бўлган барча бошқа масалаларни тартибга солади.

Юқорида кўрсатилга қонунлар банк муассасаларини фаолиятини тартибга соладиган асосий қонунладир. ЎР бошқа қонунлари қоидалари тижорат банкларга фақат улар тартибга соладиган жамиятдаги муносабатларда тижорат банклар қатнашгандагина таъсир қилади. Масалан, тижорат банклар солиқ тўловчи сифатида Солиқ кодекси талабларига, фонд бозори қатнашчиси сифатида «Қимматли қоғозлар бозори фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли

қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунлар қоидаларига риоя қиладилар.

Қонуности ҳужжатлар орасида ЎР МБ томонидан қабул қилинган тижорат банкларнинг кундалик фаолиятини тартибга соладиган қуйидаги меъёрий ҳужжатлар айтиб ўтиш керак. 33- ва 330-сон Низомлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлашни, 1-сон Йўриқнома банк ҳисобварақдарини, 60-сон Низом нақт пулсиз ҳисоб-китобларни, 22-сон Низом тижорат банкларни ташкил этиш ва лицензиялашни, 240-сон Низом тижорат банкларни бекор қилишни, 376-сон Қоидалар касса операцияларини, 6-сон Йўриқнома банк муассасаларида пул муомиласини ташкил қилишни тартибга солади.

Тижорат банклар раҳбарлари биринчи ўринда ЎР МБнинг юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлари билан ишлайдилар. Бу меъёрий ҳужжатлар «ЎР Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар ва Фуқаролий кодекснинг тижорат банкларга тегишли қоидаларини банк ходимлари учун тушунарли шаклада баён қилади.

Махсус қисм.

1-бўлим. ЎР Марказий банки фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш.

б-боб. ЎР МБ ҳуқуқий мақоми, бошқаруви ва тузилмаси.

1.ЎР МБ давлат бошқарув органи сифатида.

Тижорат банкларнинг хўжалик мустақиллигига қарамай, ЎР банк тизимининг ҳолати асосан ЎР МБнинг сиёсатига боғлиқ. Банк соҳасида ЎР МБ давлат бошқарув органи, яъни банк тизимини давлат бошқаришида аниқ сиёсатни амалга оширишга конституция ва республика қонунлари билан ваколатланган органдир.

ЎР МБнинг давлат органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми аввалам бор ЎР Конституциясида белгиланади. Конституциянинг 124-моддаси ЎР МБни банк тизимини бошқаради деб аниқлайди.

ЎР МБнинг ҳуқуқий мақомини, ваколат ва вазифаларини ва ЎР МБ фаолиятига тегашли бошқа масалаларни «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонун тартибга солади.

Давлат органи сифатида ЎР МБ давлат ҳокимиятини амалга оширади. Давлат ҳокимияти ўз ичига 1) нима ва қандай қилишни аниқлаш, 2) агар унинг талаблари бажарилмаса, юридик ва жисмоний шахсларни бажаришга мажбурлаш ва 3) талабларни бузганларни жазолаш ваколатларини ўз ичига киритади. ЎР МБ томонидан мажбурий резервларга нисбатан фаолияти ЎР МБни давлат ҳокимиятини амалга ошириши мисоли бўлиши мўмкин. ЎР МБ тижорат банклар учинчи шахслардан қабул қилган маблағларини бир қисмини (аниқ фоизини) банкротлик ҳодисасидан суғурталаш мақсадида УР МБнинг махсус ҳисобварағларига ўтказиш мажбуриятини аниқлаган. Агар тижорат банк бу талабни бажармаса, ЎР МБ мажбурий тартибда тижорат банкнинг корреспондент ҳисобварағидан керакли маблағларни ўз ҳисобварағларига кў^иради, жазо сифатида эса тижорат банка қайта молиялаш фоизининг икки бараваригача бўлган штраф солиши мумкин.

Давлат органи сифатида ЎР МБ Ўзбекистон ҳудудида ҳамма субъектлар учун мажбур бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қилади. «Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан ЎР МБнинг меъёрий ҳужжатлари агар меъёрий ҳужжатда бошқа муддат кўзда тутилмаган бўлса ЎР Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг кучка киради.

ЎР МБнинг давлат органи сифатидаги кейинги аломати қонунларда кўрсатилган ва давлат вазифаларини бажаришга йўнатилган функцияларни бажаришидир. ЎР МБ кўп функцияларни амалга оширади. Улар орасида иқтисодни пул-кредит тартибга солиш, банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати, валютани тартибга солиш, тўлов тизимини ташкил қилиш ва бошқариш функциялари асосийдир. Лекин ЎР МБ уни бошқа давлат органларидан ажратадиган ва унинг функция ва вазифаларидан келиб чиқадиган аломатларга ҳам эгадир.

ЎР МБнинг бошқа давлат органларидан фарқи шундаки, у иқтисодий мутақил ташкилот ҳисобланиб, сарф харажатларини ўз фойдалари ҳисобидан қоплайди. ЎР МБ хўжалик фаолиятини амалга оширади ва унинг натижасида фойда кўради. ЎР МБнинг фаолияти шу фойда эвазига амалга оширилади. Бошқа давлат органларининг фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЎР МБнинг бошқа давлат органларидан иккинчи фарқи у фақат Олий Мажлисга ҳисобот берувчи ташкилотдир. Бошқа давлат органлари Вазирлар Маҳкамаси бошқарадиган давлат органлари тизимига киради. ЎР МБнинг мустақиллиги биринчи навбатда унинг пул-кредит сиёсатига ижро органларидан, аввалам бор Вазирлар Маҳкамасидан мустақиллигини таъминлашга йўнатилган.

2. ЎР МБ фуқаролий муомила иштирокчиси сифатида.

Фуқаролик муомила иштирокчиси сифатида ЎР МБ аввалам бор юридик шахс мақомига эга («ЎР МБ тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддаси). Юридик шахс сифати ЎР МБ тўғрисида Фуқаролия кодекснинг қоидаларидан фойдаланиб қуйидагиларни айтса бўлади.

Авалам бор ЎР МБ ташкилотдир, яъни аниқ ташкилий тизимга эгадир. Унинг раҳбарлик қиладиган органлари (Бошқарув, Раиси), департаментлари, бошқарма ва бўлимлари бор. Бу органлар ва тизимий бўлинмаларни ваколатлари, функция ва вазифалари «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонун ва ЎР МБнинг қчки Меъёрий ҳужжатларида аниқданган. «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонун ва ички меъёрий ҳужжатлар ЎР МБнинг раҳбар ва бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди.

Юридик шахс сифатида ЎР МБ алоҳида мол-мулкига эга. ЎР МБнинг мулки унинг балансида кўрсатилади ва турли фондлар (устав фонди, захира фонди, ижтимоий ривожланиш фонди ва ҳоказо)дан иборат. ЎР МБнинг фойдаси унинг мулки ҳисобланиб, ўрнатилган тартибда фондларга тақсимланади. Ўз фондларини тўлдиргандан сўнг фойданинг қолгани ЎР давлат бюджетига ўтказилади. Бундан ташқари, УР МБ махсус ҳисобварағларда тижорат банкларининг мажбурий резерв талаблари сифатида ўтказган маблағларини сақлайди ва ўз хоҳишига кўра ундан фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг тилла-валюта захиралари ҳам ЎР МБнинг тассаруфидадир.

УР МБ юридик шахс сифатида ўз номидан шартномаларни имзолаш, ўз зиммасига мажбуриятларни олиш, бошқалардан шартномалардан келиб чиққан ЎР МБ олдидаги мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. ЎР МБ номидан шартномаларни унинг Раиси ёки Раис кўрсатмасига биноан Раис ўринбосарларидан бири имзолайди. Шартномалар ва амаддаги қонунчиликдан келиб чиққан ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли даражада бажармаса ЎР МБ мустақил жавобгарликка тортилиши мумкин. Давлат ёки бошқа ижтимоий ташкилот ЎР МБ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ниҳоят, ЎР МБ юридик шахс сифатида судлар ва хўжалик судларда ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин. Олдин айтиб ўтилгандай, ЎР МБ хўжалик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Лекин хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёни ЎР МБ фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. ЎР МБнинг хўжалик фаолияти унинг ўз функция ва вазифаларини бажариш доирасида амалга оширилади ва аввалам бор ЎР МБ олдидаги масалаларни ечишга йўнатилган бўлади.

«ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, қуйидаги фаолият турлари ЎР МБ учун тақиқланган:

1) молиявий ёрдам кўрсатиш. Бу ЎР МБ ўз функцияларини бажариш учун пул маблағларини етмай қолишига олиб келиши ва ЎР МБ томонидан асосиз қўшимча эмиссияни амалга оширишни талаб қилиши мумкин; 2) тижорат фаолиятини амалга ошириш. Тижорат фаолият ЎР МБнинг пул маблағларини, моддий ва техник воситаларини унинг вазифалари ҳисобланмаган ҳаракатларига жалб этилиши, зарарларга олиб келиши, ЎР МБ ўз ваколатларидан фойдаланиб товар, ҳизмат ва ишлар бозорида рақобатни бўзишига олиб келиши мумкин;

3) бошқа банклар ва юридик шахслар устав капиталида қатнашиш. Бундан ЎР Халқ банки, ЎР МБнинг вазифаларини бажариш мақсадида ташкил қилинадиган юридик шахслар истисно.

Хўжалик фаолиятини амалга оширганда ЎР МБ фуқаролик муомилада тенгҳуқуқ субъекти сифатида ҳаракат қилади. Ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар билан бўлган муносабатларини фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар билан тартибга солади, ўз зиммасига аниқ мажбуриятларни олади, уларни бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун контрагентлар олдида жавоб беради.

Шундай қилиб, ЎР МБнинг ҳуқуқий иккилик характерга эгадир. Бир томондан, у ўз функция ва вазифаларини бажариш учун етарли ваколатларга эга бўлган давлат бошқаруви органи бўлса, иккинчи томондан ўз функцияларини бажариш доирасида фуқаролик

муомиланинг тенгхуқуқли субъекти бўлиб, контрагентлар билан бўлган ўз муносабатларини фуқаролий-хуқуқий принциплари асосида амалга оширади.

3. ЎР МБнинг бошқарув органлари.

ЎР МБ ягона марказлашган бошқарув тизимдир. ЎР МБнинг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, функция ва вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятларини «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг III-бўлими билан тартибга солинади.

Бошқарув ЎР МБнинг олий органи ҳисобланади. Бошқарув ЎР МБнинг сиёсати ва фаолиятини асосий йўналишларини белгилаб беради ва ЎР МБни бошқаради.

Коллегиал орган сифатида ЎР МБ Бошқаруви 11 кишидан иборат. Бошқарув таркибига ЎР МБ Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек банкнинг асосий бўлимларининг раҳбарлари киради. Бошқарув аъзоларини ЎР МБ Раисининг такдимномасига кўра Олий Мажлис тасдиқлайди.

Бошқарув қўйидаги ваколатларга эга:

- пул-кредит сиёсати ва пул муомиласини ташкил қилишнинг асосий йўналишларини белгилайди;

- тижорат банклар учун иқтисодий меъёрларни ўрнатади;

- банк операцияларини лицензиялайди;

- Ҳуқуматга бериладиган қарзларнинг ҳажми ва шартларини аниқлайди;

- ЎР МБнинг тузилмасини аниқлайди, ЎР МБнинг тузилмавий бирликларни, муассаса ва корхоналарини ташкил, қайта ташкил ва тугатади, улар раҳбарларини тасдиқлайди;

- ЎР МБ ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

ЎР МБ Бошқарувининг мажлислари ойига камида бир марта ва коидага кўра, ёпиқ тарзда ўтказилади. Бошқарув мажлисларида ЎР МБ Раиси, у бўлмаган пайтларда эса, ўринбосарларидан бири раислик қилади. Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган Бошқарув мажлиси ҳақақий ҳисобланади. Бошқарув қарорлари қатнашаётган аъзоларининг оддий кўнгчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган такдирда ЎР МБ Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. • **ЎРМБРаиси.** ЎР МБнинг олий мансабдор шахси ҳисобланади.

ЎР МБ Раиси:

- ЎР МБ ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг фондларини тасарруф этади ва ЎР МБга юқлатилган вазифалар бажарилиши учун жавоб беради;

- ЎР МБ фаолияти масалаларини ҳал қилади, Бошқарув ваколатларига киритилган вазифалар бундан мустасно;

- Бошқарув Қароларини имзолайди, буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

- банкнинг жорий фаолияти ва операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

- ҳамма банк масалалари бўйича бошқа давлат органларида, халқаро ва чет эл ташкилотларида ЎР МБ номидан ҳаракат қилади;

- амалдаги қонунчиликка кўра бошқа мажбуриятларни ва ваколатларни амалга оширади.

ЎР Конституцияси 93-моддасининг Ю-хатбоғцига кўра ЎР МБ Раиси ЎР Президенти такдимномасига кўра Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. ЎР МБ Раисининг ваколат муддати - 5 йил.

ЎР МБ Раиси қўйидаги асосларга кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши мумкин:

- ваколат муддати тугагани;

- истеъфога чиқиш тўғрисидаги шахсий аризаси;

- ўрнатилган тартибда жиноат содир қилишда айбдор/ деб топилиши;

- давлат тиббий комиссияси хулосасига кўра ўз вазифаларини саломатлигига кўра

бажара олмаса;

-эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатга ҳаракат қилганида, шу жумладан ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонунини қўпол равишда бузса ва ЎР МБ манфаатларига катга зарар етказса.

ЎР МБ Раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосарлардан бири бажаради.

ЎР МБнинг Раисининг ўринбосарларини ЎР МБ Раиси тақдимига кўра Олий Мажлиси Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилади. Ўринбосарларнинг бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. ЎР МБ Раисининг буйруғига кўра ўринбосарлар ЎР МБ фаолиятини турли томонларига раҳбарлик қиладилар.

4-Маъруза. ЎР МБнинг функциялари ва фаолиятининг асосий йўналишлари.

1.Иқтисодни пул-кредит тартибга солиш.

ЎРМБнинг пул-кредит сиёсати - бу ЎР МБнинг иқтисодни умумий ҳолатини аниқдайдиган ва мамлакатимизнинг кележакдаги иқтисодий ривожланиши учун шароит яратиш берадиган аниқ макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишга йўнатилган фаолиятидир. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли бандлиги ва нарх-наволар савияси киради. Бу кўрсаткичлар иқтисоддаги пул ҳажми ва таркибига боғлиқдир.

Ҳар йили ЎР МБ иқтисоднинг ривожланишини асосий йўналишларини ишлаб чиқаради ва кейинги молия йилига камида 30 кун қолганда бу тўғрисида Олий Мажлисга маълумот беради.

Пул-кредити сиёсатини амалга оширганда ЎР МБ қуйидаги инструментлардан фойдаланади:

1) очик бозордаги операциялар. «ЎР Марказий банктўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига кўра бундай операцияларга давлат қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш, ЎР МБ ўзи чиқарган қарз мажбуриятларини сотиш ва сотиб олиш бўйича операциялар киради. Охириги йилларда ЎР МБ Молия вазирлиги агенти сифатида давлатнинг пул маблағларига бўлган вақтинчалик эҳтиёжини қондириш ниятида чиқариладиган давлат қисқа муддатли облигациялар билан операцияларни фаол амалга оширмоқда. ЎР МБ ўларни биринчи жойлаштиришда сотиб олиш ҳуқуқига эга эмасдир. Очик бозордаги бу икки операциялардан ташқари ЎР МБ тижорат банкларнинг кредит маблағларига таъсир кўрсатадиган кредит аукционларини амалга ошириши мумкин. 2) қайта молиялаш фоизи. Қайта молиялаш фоизи - бу ЎР МБ томонидан тижорат банкларга бериладиган кредитлар учун тўланадиган фоизлар миқдоридир. Ҳозирги пайтда қайта молиялаш фоизи 2,2 тенг. ЎР МБдан олинган кредит маблағлари эвазига ўз миқдорларига берадиган кредит учун фоизларни аниқлашда тижорат банклар қайта молиялаш фоизини асос қилиб олишлари керак ва кредит учун тўловларни бу фоиздан 1,5 барабардан кўпга оширишга ҳақдар йўқ.

3) тижорат банклари учун мажбурий захира талаблари. Тижорат банклар миқдорлардан жалб этган пул маблағларини бир қисмини ЎР МБнинг махсус ҳисобварағларида сақлашлари шарт.

Иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, ЎР МБ давлат қимматли қоғозларини сотади ёки сотиб олади, қайта молиялаш фоизини оширади ёки камайтиради, мажбурий захира талабларини ўзгартиради. Бу ҳаракатлар иқтисоддаги пул ҳажминини ўзгартиради. Иқтисодий бухрон пайтида пул ҳажминини ошириш истемол ва сармоявий талабларни оширади, иқтисодий ривожланишга, тадбиркорлик ва бадликнинг ўсишига олиб келади.

Лекин пул ҳажминини ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши нархларни оширишига, инфляцияни кучайтишига ва иқтисодий муамоларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда ЎР МБ қайта молиялаш фоизини оширади, мажбурий захира талабларини ҳажминини кўтаради, очик бозордаги ўз операцияларини камайтиради. Бундай ҳол тижорат банкларни миқдорларга берилаётган кредитлар учун фоизларни оширгани мажбурлайди. Тадбиркорлар ўз фаолиятларини пасайдирадидилар, иқтисодда инфляция камаяди ва барқарорликка эришилади.

Уз навбатида пул маблағларини ҳажминини ҳаддан ташқари камайтириши қорхоналарни ёпилишига, ишсизлик ва нарх-навоини ошишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ЎР МБнинг пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади пул ҳажминини етарли кўрсаткичларини сақлаб қолишга йўнатилган.

2.Банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати.

Банк тизимининг молиявий мустаҳкамлигини, миллий валюта барқарорлиги кредитор ва омонатчиларни манфаатларини таъминлаш банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назоратини асосий вазифаларидир.

Банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати «ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг УШ-бўлими ва ЎР МБнинг меъёрий ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Банк фаолиятини тартибга солиш - бу ЎР МБнинг тижорат банклар учун бажарилиши шарт бўлган аниқ ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник талабларни ўрнатиш ва бажарилишини таъминлаш бўйича фаолияти.

Банк фаолиятини тартибга солиш қуйидаги тўрта йўналиш бўйича амалга оширилади:

1)мажбурий захира талаблари. Бу масалага ЎР МБнинг пул-кредит сиёсатини кўриб чиқилганда батафсил тўхтанилди. Бу ерда эса тижорат банклар бекор қилинган ҳолларда мажбурий захира талаблари сифатида ЎР МБга ўтказган маблағлар тижорат банкнинг тугатиш комиссияси ҳисоб-варағига ўтказилишига этиборни жалб қиламиз. 2)банк операцияларини лицензиялаш.

3)иқтисодий меъёрлар. Банк тизимини барқарорлигани ҳамда кредитолар ва омонатчиларни манфаатларини таъминлаш мақсадида ЎР МБ тижорат банклар учун қуйидаги иқтисодий талабларни ўрнатади:

-устав капиталининг минимал миқдори;

-капитал етарлиги (адекватлиги) коэффиценти, яъни устав капиталининг хавфни ҳисобга олганда ҳолда банк активларига бўлган муносабати. Бу меъёрнинг минимал кўрсатқичи - 8%;

-ликвидлик кўрсатқичи, яъни банкнинг миқдорларга кредит бериш мажбуриятларини бажариш қобилияти. Қуйидаги ликвидлик кўрсатқичлари ўрнатилган:бир зумдаги ликвидлик - 25%, жорий ликвидлик - 30%, қисқа муддатли ликвидлик - 100%;

-бир қарз олувчига бўлган максимал хавф, яъни катга қарз олувчига берилган кредит ва унинг олдидаги мажбуриятларининг 75%нинг устав капиталига муносабати. Максимал миқдори - 25%;

-ҳамма катта кредитларнинг умумий миқдори, яъни олдинги кўрсатқич, лекин ҳамма катта кредиторлар инобатга олинади. Максимал кўрсатқичи 300%дан кўп бўлмаслиги керак;

-бир кредитор (омонатчи) олдидаги мажбуриятларнинг масимал ҳажми. Бу кўрсатқич 75% ошмаслиги керак;

-ўз маблағларини қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш бўйича талаб, яъни қимматли қоғозлар нархини устав капиталига бўлган муносабати -25%;

-инвестициялар, яъни бошқа юридик шахслар устав капиталда иштироқи ҳажмига талаб - устав капиталини 50%, бир юридик шахс уставкапиталига эса - 15% кўп бўлмаслиги керак;

-банк билан боғлиқ шахслар билан иш олиб бориш бўйича талаблар. Банк раҳбарлари ва раҳбар органлари аъзолари ва уларнинг қариндошлари, катта акцияонерлари, уларнинг раҳбарлари ва уларнинг қариндошлари, банкнинг улуши 10%дан кўп бўлган юридик шахсларнинг раҳбарлари, раҳбар органларининг аъзолари ва уларнинг қариндошлари банк билан боғлиқ шахс ҳисобланадилар. Бу шахслар фойдасига банк операциялар банк кенгаши рухсати билан амалга оширилади.

4)банк назорати. Охирги пайтларда бутун дунё бўйича банк фаолиятини тартибга солишнинг бу йўналишининг аҳамияти тез ошиб кетди ва шу сабабли давлатлар банк назоратини марказий (миллий) банкларнинг алоҳида функциясига ажратадилар. **Банк назорати** - бу ЎР МБнинг банк фаолиятини қонунийлигини таъминлашга йўнатилган фаолиятидир. Банклар фаолиятини қонунийлигани назорат қили ахборотларни олшн, уларни таҳдил қилиш ва уларни ўрнатилган талаблар билан солиштириш, талабларга риоя қилинмаган ҳолда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишни ўз ичига киритади.

Банк назорати бевозита ва дистанцион назоратига бўлинади. Бевозита назорати ЎР МБнинг вакиллари томонидан тижорат банклар фаолиятини ўрнида текшириш шаклида олиб борилади. ЎР МБнинг вакиллари тижорат банкнинг ҳужжатларини, пул ва моддий бойликларини, техник воситаларни текшириб, маълумот йиғади. Бу маълумотлар асосида ЎР МБ тижорат банкка тегашли чоралар қўллаиди.

Дистанцион назоратда ЎР МБ томонидан белгиланган муддатларда ЎР МБга тижорат

банклар томонидан доимо етказиладиган маълумотлар асосида ЎР МБ тижорат банки фаолиятини назорат қилади ва керакли ҳолларда банк қонунчилигида кўрсатилган чораларни қўллайди.

Банк назоратини амалга оширганда ЎР МБ умидсиз бўлган активларни ўчиришнинг шароитлари ва тартибини, тижорат банклар раҳбарларига бўлган талабларни аниқлайди.

3. Банклар банки функцияси.

Тижорат банклар ўз мижозларига қандай банк хизматларини кўрсатсалар, ЎР МБ шартномалар асосларида тахминан шу хизматларни тижорат банкларга такдим этади. Тижорат банклар ўз мижозларига асосан қуйидаги уч банк операцияларини такдим этади - пул маблағларини қабул қилиб, уларни сақлаш, кредитлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Тижорат банклар ўз маблағларини ЎР МБдаги корреспондент ҳисобварағларда сақлашлари керак. Бу ЎР МБ томонидан банк назоратини амалга ошириш, ҳисоб-китоб операцияларни амалга учун шароитларни яратиб беради.

ЎР МБ тижорат банкларга банк активлари (тилла, чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари) билан кафолатланган кредитлар беради.

Тижорат банклар ўз ҳисоб-китоб операцияларини, ҳамда мижозлар учун ҳисоб-китоб операцияларни ЎР МБдаги корреспондент ҳисобварағлардан амалга оширадilar. Тижорат банклар ўз мижозлари ҳисобварағларидан пул маблағларини ўчириш ва улар ҳисобварағларига пул маблағларни ёзиш принциплари асосида ЎР МБ тижорат банкларининг корреспондент ҳисобварағларидан пул маблағларини ўчиради ва уларга ёзувларни киритади. Агар икки тижорат банки ўртасида корреспондент муносабатлар ўрнатилга бўлса, бундай тижорат банклар ўз ҳисоб-китоб операцияларида ЎР МБ хизматларидан фойдаланмасликлари мумкин.

4. ЎРда пул муомиласини ташкил қилиш функцияси.

ЎР МБнинг кейинги муҳим функцияси пул муомиласини ташкил қилишдир. Бу функцияни амалга оширганда ЎР МБ пул муомиласини ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни қабул қилади.

ЎРнинг расмий пул бирлиги сўмдир. Сўм ЎРда ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Пул муомиласи ўз ичига пул массасини ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини киритади.

Ўз навбатида пул массаси ўз тузилмасига, яъни у нақт ва нақт бўлмаган (банклардаги ҳисобварағлардаги) пулларни бўлиниши, ва ҳажмига эгадир.

ЎР МБ ЎР ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомилага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. ЎР МБга банкнотларни босилиши ва тангаларни зарб қилиниши, муомилага чиқарилмаган пул белгилари сақданиши, шунингдек босма қолиплар ва бўёқларни сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини аниқдайди.

ЎР МБ муомилага чиқарган банкнот ва тангалар ЎР нинг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

Нақсиз пул маблағлари банклардаги ҳисобварағлардаги ёзувлар бўлиб, ЎР МБ томонидан белгиланган ҳолларда ва тартибда нақт пул шаклида мижозларга берилиши мумкин.

ЎР ҳудудида ҳисоб-китоблар нақт ва нақт пулсиз тартибда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар фақат нақт пулсиз тартибда, юридик

шахслар ва жисмоний шахслар ўртасида ҳамда жисмоний шахслар ўртасида нақт пул тартибида амалга оширилиши мумкин.

Нақт пулсиз ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали амалга оширилади. Нақт пулсиз ҳисоб-китоблар ЎР МБнинг 1998 йил 20 апрелдаги 60-сон Низоми билан тартибга солинади.

Нақт пулли ҳисоб-китоблар ЎР МБнинг 1998 йил 24 январдаги 376-сон Қоидалари билан тартибга солинади.

5. ЎР МБнинг ЎР Ҳукумати билан бўлган муносабатлари.

Замонавий давлатларнинг марказий (миллий) банклар кўпчилиги сингари, ЎР МБ ижро органларига бўй синмайди. Бу ЎР Ҳукумати томонидан ЎР МБга нисбатан маъмурий таъсир кўрсатишга тўсқинлик қилади. ЎР МБнинг ижро органларидан мустақиллиги принципи ЎР МБ ва ЎР Ҳукумати ўртасидаги муносабатларига асос сифатида хизмат қилади. Аввал айтиб ўтилгандек, пул-кредит сиёсати соҳасида ЎР МБ иқтисодни тартибга солувчи асосий давлат органи бўлиб, иқтисодни пул-кредит тартибга солишни йиллик монетар сиёсати дастурига асосан мустақил равишда амалга оширади.

ЎР Ҳукумати ижро органлари бошқарувчи давлат органи сифатида давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати амалга оширади. ЎР МБнинг пул-кредит сиёсати иқтисодга жуда қаттиқ таъсир қилганлиги сабабли ЎР Ҳукумати ўз иқтисодий сиёсатини амалга ошириш жараёнида ЎР МБ билан яқиндан ўзаро ҳаракат қилади. Шу сабабли баъзи бир замонавий рифожланган давлатлар (АҚШ ва ҳоказолар)да ҳукумат ва марказий (асосий давлат) банкларни сиёсатларини мувофиқлантириш ва марказий банклар чора-тадбирлари Ҳукумат чора-тадбирларига зид бўлишига йўл кўймаслиги мақсадида марказий банкларни ҳукуматларга бўйсиниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикрлар айтилмоқда.

ЎР Ҳукумати ва МБ хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодиёт фаолиятини ва валюта операцияларини амалга оширишда, иқтисодни баъзи бир соҳаларини кредитлашда ва бир қатор ҳолларда жуда яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

ЎР МБ ва Ҳукумати ўртасидаги баъзи бир муносабатлар фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида тартибга солинади. Масалан, ЎР МБ бюджетга кредит берганда ЎР МБ ва Ҳукумати ўртасида шартнома тузилади. Давлат қимматли қоғозлари (масалан, давлат қисқа муддатли облигациялари)ни жойлаштириганда ЎР МБ Молия вазирлиги агенти сифатида ҳаракат қилади.

«ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 44 -моддасига биноан ЎР МБ Ҳукуматнинг банкири, маслаҳатчиси ва фискал агенти (хазина вакили) сифатида иш тутади. ЎР Ҳукумати сифатида ЎР МБ давлат муассасаларини ҳисобварақларини юритади, уларда керакли маблағларни жамлайди ва улардан тўловларни амалга оширади; давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширади, Ҳукуматга кредитлар беради, Ҳукумат топшириғига кўра тилла ва чет эл валюталари билан операцияларни амалга оширади.

ЎР Ҳукумати билан ички ва ташқи манбалардан кредитлар олиш тўғрисида ЎР МБ билан маслаҳатлашади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ҳамма давлат органлари олган кредитлари тўғрисида ЎР МБ маълумот беради. Бу ҳоллардаги маслаҳатларнинг сабаби бундай кредитлар ЎР МБ пул-кредит сиёсатининг асосий объекти ҳисобланган пул маблағлари ҳажмига таъсир қилишидир.

Фискал агенти функциясига кўра ЎР МБ Ҳукуматнинг молиявий операцияларида ёрдам кўрсатади, Ҳукуматга бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича маслаҳатлар беради, давлат қиммат қоғозларини жойлаштиришда, ҳукумат ҳисоб-варағларини юритганда ва бошқа бир қатор ҳолларда агент сифатида ҳаракат қилади.

6.Валютани тартибга солиш функцияси.

Молия ҳуқуқи тизимида валютани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳуқуқий институти бор. Валюта муносабатларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Қонундир. ЎР МБнинг валютани тартибга солиш бўйича ваколатлари «ЎР Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси билан ҳам тартибга солинади. Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунлар қоидаларига кўра, ЎР МБ валютани тартибга солувчи орган ҳисобланади. Молия ҳуқуқидан аниқки, Молия вазирлиги ҳам валютани тартибга солиш бўйича кўп ваколатларга эга. Давлат солиқ қўмитаси ҳам валютани тартибга солиш бўйича фаолият кўрсатади.

Банк ҳуқуқи ўз ичига вақат муносабатлардаги томонларнинг ҳеч бўлмаса бири банк муассасаси бўлган валюта муносабатларини тартибга солишни киритади.

«ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига биноан валютани тартибга солиш соҳасида ЎР МБ:

-ЎР ҳудудида ҳамма шахслар бажариши мажбур бўлган ва валюта муносабатларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни қабул қилади;

-банклар ва бошқа юридик шахсларга валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияларни беради ва чақириб олади, улар фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

-банклар учун очиқ валюта позиция чегараларини ва башқа иқтисодий талабларни ўрнатади;

-миллий валютани чет эл валюталарига бўлган курсини ўрнатиш тартибини аниқдайди;
-ЎР халқаро захираларига эгали қилади ва бошқаради.

Валютани тартибга солишда ЎР МБнинг асосий вазифаларидан бири валюта операцияларини амалга ошириш тартибини ўрнатиттдир. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра қуйидаги операциялар валюта операциялари деб ҳисобланади:

1) валюта қийматликларига мулк ҳуқуқи ўтиши, шу жумладан чет эл валютасидан тўлов воситасида фойдаланган ҳоллардаги операциялар;

2) ЎРдан олиб чиқиш, ўтказиш ва юбориш ва ЎРсига олиб кириш, ўтказиш ва юбориш бўйича операциялар;

3) халқаро пул ўтказишлар бўйича операциялар.

Валюта операцияларини амалга ошириш ЎР МБнинг 1998 йил 28 мартдаги 174-сон Қоидалари билан тартибга солинади.

II-бўлим. Тижорат банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

6-Маъруза. Тижорат банкларнинг ҳуқуқий мақоми.

1.Тижорат банк таърифи.

Тижорат банкнинг аниқ таърифи катга амалий аҳамитга эга. Тижорат банкнинг таърифи банк номидаги ташкилот ёки субъект нима ўзи, ўнинг ҳуқуқий мақоми қандай, унинг ваколатлари нимадан иборат, у хўжалик муомиласида қандай иштироқ этади ва шу каби муҳим ҳуқуқий саволларга жавоб беради.

Тижорат банкларнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг асосийси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонундир. Бу Қонуннинг 1-моддасига биноан тижорат банк - тижорат ташкилот бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш.

Тижорат банклар қуйидаги аломатларга эга:

1)юридик шахс мақомига эга. ЎР Фуқаролий кодексининг 39-моддасига биноан банк ўз мулкига эга ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла олади ва уларни амалга оширади, мажбуриятларни бажаради, судда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

2)банк - тижорат ташкилот. Тижорат банклар фаолиятининг асосий мақсади ўз таъсисчиларига ва акциядорларига даромад келтиришдир. Ўз хизматларини тижорат банклар шартномалар асосида белгилаган тўлов эвазига тақдим этади. 3)омонатларни қабул қилиш, кредитлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолиятни олиб боради. Кўп ташкилотлар фаолиятнинг бу уч турини амалга оширишлари мумкин. Масалан, инвестицион компания ва инвестицион фондлар юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш маблағларини жалб қилишлари ва улар эвазига бошқа корхоналарнинг услуш ва акцияларини сотиб олишлари мумкин. Клиринг ташкилотлар ўз аъзолари бўлмиш юридик шахслар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин. Ўзаро кредит жамиятлари ўз аъзоларидан бадал сифатида йигган маблағлар эвазига ўз аъзоларга кредитлар бериши мумкин.

Банк деб фақат юқорида кўрсатилган учта операцияни мажмуини бажарадиган ташкилот аталиши мумкин. Халқаро молия ташкилотлар мутахассисларининг фикрича тижорат банкларнинг бошқа молия ва кредит ташкилотларидан асосий фарқи тижорат банкларнинг талаб қилингунча сақланадиган омонатларнинг қабул қилиш ҳуқуқидадир. Банкларнинг худди шу ҳуқуқи замонавий давлатларнинг барчасида банкларга ўрнатилган қатор талаблар асосдир. Бу талабларнинг ҳаммаси тижорат банклар мижозлардан қабул қилган пул маблағларини сақдашни таъминлашга йўнатилган.

Замонавий ривожланган давлатларда тижорат банкларнинг омовий мақомига катга аҳамият берилади. У ерда тижорат банкларга фақат банк эгаларининг шахсий тадбиркорлик иши бўлиб қолмай, банк тизимга қўшилган, жамиятнинг хўжалик ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган ва шу сабабли ваколатли давлат органлари томонидан анча ҳуқуқий тартибга солинадиган ташкилот сифатида қаралади. Шу сабабли замонавий ривожланган давлатлар юридик фанида банклар иккита - хусусий-ҳуқуқий ва оммовий-ҳуқуқий мақомга эга деган фикр тан олинган.

2. Тижорат банкларнинг бошқарув органлари.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига кўра акциядорларнинг умумий мажлиси, банк кенгаши ва бошқарув тижорат банкларнинг бошқарув органлари ҳисобланади

Тижорат банклар, қоида тариқасида, акциядорлик жамияти тарзида ташкил қилиниши сабабли, тижорат банкларнинг бошқариш масалалари «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун меъёрлари билан ҳам тартибга солинади. Бу Қонун асосида 1998 йил 22 августда ЎР ВМ томонидан 361-сон Қарор қабул қилинган ва бу Қарор билан акциядорлик жамиятларни, шу жумладан, акциядор банкларни бошқариш масалаларини янада батафсил тартибга соладиган акциядорларнинг умумий мажлиси тўғрисидаги Намунавий Низом, акциядорлик жамиятларнинг кузатиш кенгаши тўғрисидаги Намунавий Низом, акциядорлик жамиятларнинг ижро органи тўғрисидаги Намунавий Низом, ижро органи раҳбари билан имзоланадиган намунавий шарнома тасдиқланган.

Акциядорларнинг умумий мажлиси банкларнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Ўз мажлисларини умумий мажлис йилига бир мартадан кам бўлмаган тарзда ўтказиши ва тижорат банкни қата ташкил қилиш ёки бекор қилиш, уставга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, банк кенгаши, ижро ва тафтиш органларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини тўктатиш каби мутлақ ваколатларга эга.

Банк кенгаши банк фаолиятини назорат қилади, банк сиёсатини шакллантиради, қонунчиликка риоя қилишни таъминлайди. Банк кенгаши аъзоларини сони 5 кам бўлмаслиги керак. Акциядорлардан ташқари банк соҳасидаги олимлар ва мутахассислар банк кенгаши аъзоси бўлиши мумкин.

Бошқарув банк фаолиятига оператив раҳбарлик қилади ва фаолият натижалари бўйича жавоб беради. Бошқарув фаолиятига банкка жорий раҳбарлик қиладиган, банк ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, банкнинг номидан ҳамма давлат органларида, нодавлат ташкилот, муассаса ва корхоналарда ҳаракат қиладиган Раис раҳбарлик қилади.

Банкларда бошқарув органи ҳисобланмаган, лекин банк фаолиятини таъминлайдиган бошқа органлар ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бу - банк фаолиятини тафтиш вазифасини бажарадиган ички аудит хизмати, кредит комиссияси ва ҳоказо.

3. Тижорат банклар филиал ва ваколатхоналари.

Филиал тижорат банкнинг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, у банк номидан банк операцияларини банк номидан амалга оширади. Филиал банк кенгаши қарорига кўра ташкил қилинади, юридик шахс ҳисобланмайди ва филиал тўғрисидаги низом асосида фаолият кўрсатади. Тижорат банклар фақат Ўзбекистон ҳудудида филиаллар очишлари мумкин.

Филиал фаолиятига банк Бошқаруви тайинлаган бошқарувчи раҳбарлик қилади. Бошқарувчидан ташқари, банк Бошқаруви бош ҳисобчи ва бошқарувчининг ўринбосарини Яайинлайди.

Бошқарувчи ишончнома асосида ҳаракат қилади, филиал ходимларини иш қабул қилади ва ишдан бўшатади, уларга раҳбатлантириш ва жазо чораларини қўллайди, филиал номидан ҳамма давлат органлари, ташкилот, муассаса ва корхоналарда ҳаракат қилади, филиал номидан битимлар ва келишувлар имзолайди. Бошқарувчи йўқлигида ўнинг вазифаларини ўринбосар амалга оширади.

Тижорат банкнинг **ваколатхонаси** банкнинг тузилмавий бўлинмаси ҳисобланиб банк жойлашган ҳудуддан ташқари жойда банк манфаатларини ифодара ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон ҳудудида фақат чет эл банкларининг ваколатхоналари, Ўзбекистон банклари эса чет элда ваколатхона очишлари мумкин. Ўзбекистон банкларини ваколатхоналари фаолияти улар жойлашган мамлакатлар қонунчилиги билан тартибга солинади.

Чет эл банклари ваколатхоналари ЎР МБда аккредитациядан ўтадилар ва банк операцияларини ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслар. Ҳозирги пайтда ЎРда дунёдаги энг катга банкларнинг ваколатхоналари очилган.

Тижорат банкларни ташкил этиш ва бекор қилиш.

1.Тижорат банкларнинг таъсисчилари, акциядорлари ва раҳбарларига ўрнатилган талаблар.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатлар тижорат банкларни ташкил қилишда омонатчилар ва кредиторларни маблағларини бошқариш билан боғлиқ бўлган кўшимча талаблар ўрнатади.

Тижорат банклар таъсисчилари - бу тижорат банкнинг ташкил қилиш учун керакли ҳаракатларни бажарадиган юридик ва жисмоний шахслар. Банк акциядорлари - банкларни акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар.

ЎР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сон Қарорига кўра бир акционернинг улуши тижорат банкнинг устав капиталида 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб 20%, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13%, 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% кўп бўлмаслиги керак. Бундан банклар устав капиталидаги давлат улуши, чет эл инвестициялик (кўшма) ва хусусий банклар истисно.

1999 йилнинг 1 январидан бошлаб тижорат банклар бир бирларининг устав капиталида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. Бундан кўшма ва хусусий банклар истисно.

Таъсисчиларга тижорат банкнинг ташкил топган пайтидан бошлаб бир йил давомида акциядорлар сафидан кетиш тақиқланган.

Кўйидаги юридик шахслар тижорат банкларга таъсисчи ва акциядорлари бўла олмайди:

1) ноликвид ва тўловга нолойиқ юридик шахслар; 2) (Бффшор\худудларда рўйхатга олиган юридик шахслар;

3) давлат органлари, жамоа бирлашмалари ва фондлар, бюджет ташкилот ва муассасалар.

Жисмоний шахслар-таъсисчилар доғ тушмаган ишбилармонлик ва касбий обруга эга бўлишлари керак. Агар жисмоний шахс 1) банкротликка учраган юридик шахсда раҳбарлик лавозимини эганлаган бўлса ва унинг ҳаракатлари бу юридик шахсни банкротликка олиб келган бўлса, ёки 2) у ўз фаолиятида ёки шахсий хулқида нотўғри бошқаришни ёки ишни ноҳалол олиб боришни кўрсатган бўлса бу шахс юқорида кўрсатилган обруга эга эмас деб топилади.

Банк кенгаши раиси ва аъзолари, бошқарув раиси ва аъзолари, бош ҳисобчи ва унинг ўринбосари, филиал раҳбари ва бош ҳисобчиси банк раҳбарлари тоифасига киради. Бу шахслар доғ тушмаган ишбилармонлик ва касбий обруга эга бўлишлари керак. Бу шахслар ўз мансабларига фақат ЎР МБ розилиги олингандан сўнг тайинланишлари мумкин.

Банк бошқаруви раиси ва унинг уринбосари, банк бош ҳисобчиси ва унинг ўринбосари, филиал раҳбари ва бош ҳисобчиси ўз мансабларини эганлаш учун қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: 1) олий маълумотга эга бўлиш; 2) банк ва хўжалик қонунчилигини етарли даражада билиш.

Тижорат банкларни ташкил қилишдаги дастурий-техник талаблар.

Амалга ошириладиган банк операциялари бажариш маълум техник шароитларни талаб қилади. Банкнинг рўйхатга олиш ва лицензия беришдан олдин ЎР МБ бўлажак банк техник тарафдан етарли даражада таъминланганини текширади.

Банк очилиш пайтига банк электрон тўловлар тизими орқали юбориладиган ахборотларни ҳимоя қилиниши таъминлайдиган локал ҳисоб тизимига эга бўлиши керак.

Ҳисоб-китобларни автоматлаштирилган равишда амалга ошириш учун банк етарли техник-дастурий воситаларга - камида 5 компьютер, модем алқаси, «банкнинг операцияон куни» дастури, яқинги ҳисоб-китоб марказига ажратилган телефон алоқаси, тажрибали мутахассислар эга бўлиши керак.

3.Тижорат банкка лицензия бериш ва уни рўйхатга олиш.

Бошқа юридик шахсларга қараганда тижорат банкни ташкил қилиш анча қийин ва кўп вақт талаб қилади. Банкни ташкил қилиш жараёнида бўлажак таъсисчилар ўртасидаги муносабатлар аниқланади, банк раҳбарлари белгиланади, устав капитали йиғилади, банкни

рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланади.

Банкни ташкил қилиш икки босқичга бўлинади: 1) банк очиш учун дастлабки рухсатнома олиш ва 2) банк операцияларини амалга ошириш учун банк лицензияни олиш ва банкни рўйхатга олиш.

Дастлабки рухсатнома олиш учун таъсисчилар вакили ЎР МБга қўйидаги ҳужжатларни такдим этади:

- 1) таъсис ҳужжатлар (Устав, таъсис шартномаси, таъсис мажлиси баённомаси);
- 2) таъсисчилар тўғрисида тўла маълумот (тўло номи ёки исми, отасини исми, фамилияси; манзилгоҳи; телефонлари; ҳисобрақамлари; устав капиталидаги улушлари ва ҳоказо);
- 3) раҳбар ходимлар тўғрисида тўла маълумот;
- 4) банкнинг ташкилий тузилмаси;
- 5) ички ауди ва ички кредит сиёсати низоми;
- 6) бизнес-режа, фаолият стратегияси, йўналишлари ва кўламлари, келажакдаги молиявий кўрсаткичлар (ҳисоб баланси, кейинги икки йил давомидаги кутиладиган даромад ва заралар), мижозларни шакллантириш режаси ва ҳоказо;
- 7) таъсисчилар номидан мурожат қилган шахснинг ваколатларини тасдиқдайдиган ҳужжат.

ЎР МБ бу ҳужжатларни 3 ой давомида кўриб чиқади. Агар бу ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ЎР МБни қондирса у таъсисчиларга 6 ой ичида кучга эга бўладиган банк очиш учун дастлабки рухсатнома беради.

Шу 6 ой муддатида таъсисчилар банк банк операцияларини амалга оширишни бошлаши учун керакли ҳамма тадбирларни ўтказиши керак: керакли биноларни, дастурий-техник воситаларни мавжудлигини таъминлаш; устав капиталини шакллантириш; мутахассисларни ишга қабул қилиш.

Банкнинг устав капитали таъсисчилар ва акциядорларнинг пул бадалларидан ташкил қилиниши керак. Устав капиталган жалб қилинган маблағлар ва бино, техника ва бошқа моддий бойликларни киритиб бўлмайди. Ҳамма тайёрлов чоралар бажарилгандан сўнг таъсисчилар банкнинг рўйхатга олиш ва банк лицензиясини бериш тўғрисида ЎР МБга мурожаат қилади ва бу мурожаат ЎР МБда 1 ой давомида кўриб чиқиб. Қўйидаги ҳолларда ЎР МБ тижорат банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

- 1) тайёрлов чораларнинг ҳаммасини бажарилмаса;
- 2) таъсис ҳужжатлари қонун талабларига жавоб бермаса;
- 3) таъсисчиларнинг молиявий ҳолати қониқарсиз бўлса;
- 4) банк раҳбари ва бош ҳисобчиси қасбий талабларга жавоб бермаса;
- 5) дастлабки рухсатномаснинг муддати ўтиб кетган бўлса;
- 6) устав капитали шакллантирилмаган бўлса;
- 7) агар таъсисчилар молиявий маблағлар манбаларини кўрсатмаган бўлсалар (бундай хусусий банкларнинг жисмоний шахс таъсисчилари истисно).

4. Чет эл сармояси иштироқида ташкил қилинган тижорат банкларга қўшимча талаблар.

ЎР худудида фақат устав капитали 30 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган молиявий барқарор банклар шўъба банк очиши мумкин. Шўъба банкнинг устав капитали 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак.

Устав капиталида норезидентнинг улуши 1/3 қисмини ташкил қилган устав капитали ҳам 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак. Банклар норезидентларга ўз акцияларини сотиш учун ЎР МБдан дастлабки рухсатнома олишлари керак.

Норезидент банкнинг шўъба банкини рўйхатга олиш учун таъсисчилар ЎР МБга қўшимча қўйидаги ҳужжатларни такдим этади:

- 1) таъсисчи норезидент банкнинг банк капиталида қатнашиши тўғрисидаги қарори;
- 2) чет элдаги Ўрнинг консуллик ташкилоти томонидан тасдиқданган норезидент

банкнинг устави;

3)норезидент банки давлатидаги банк назорати органини норезидент банк банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эгалгани тасдиқловчи ва ўз мамлакатида бу банк устидан банк назорати амалга оширилишини тасдиқловчи ҳужжат;

4)норезидент банки давлатидаги банк назорати органини банк норезидент томонидан ЎР ҳудудида шўъба банк очилишига берган рухсатномаси ёки шўъба банк очиш учун рухсатнома шарт эмаслигини расмий тасдиқловчи ҳужжат; 5)норезидент банкнинг охириги уч йили давомиги молиявий ҳисоботи.

Устав жамғармасида чет ел сармояларига эга банкларни рўйхатга олиниш жараёнида қўшимча қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1)агар норезиденти давлатининг амалдаги қонунчилиги кўзда тутган бўлса норезидент давлатидаги назорат органини норезидент ЎР ҳудудида ташкил қилинадиган банкда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома;

2)норезидентга хизмат кўрсатувчи банки томонидан берилган норезидент тўловга лойиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

3)таъсисчини юридик мақомига эгаллиги тасдиқловчи норезидент давлати савдо реестридан кўчирма; агар норезидент таъсисчи жисмоний шахс бўлса - унинг яшаш жойи, тадбиркорлик ва касбий фаолияти тўғрисидаги тўла маълумот, охириги 2 йил учун солиқ декларациялари.

б.Тижорат банкларни бекор қилиш асослари.

Тижорат банкни бекор қилиш ЎР банк тизимдан бир банк ташкилоти чиқиб кетишини билдиради ва бу ЎР банк тизимининг умумий ҳолатига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли банк қонунчилиги банкларни бекор қилиниш жараёнини батафсил тартибга солади ва бу жараён ЎР МБнинг назорати остида амалга оширилади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19 моддасига биноан тижорат банклар фаолияти қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- акциядорлар мажлиси қарорига кўра;
- ЎР МБ томонидан банк лицензияни чақириб олинса;
- банкни банкрот деб элон қилинса.

Банк фаолиятини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни фақат акциядорларнинг умумий мажлиси қабул қилиши мумкин. «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси б-қисмига кўра кворум овоз берувчи акциядорлар эгаларининг 60% бўлганда бундай қарор учун 3/4 овоз йиғилиши керак. Лицензияни қайта чақириб олиш банклар учун охириги чора бўлиб, ЎР МБ бу чорани банклар банк қонунчилиги ва ЎР МБ талабларини бажармаган ҳолларда қўллаши мумкин.

ЎР МБ томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 240-сон Низонинг 4-бўлими 2-бандига кўра ЎР МБ қуйидаги асосларга кўра банк лицензиясини чақириб олиши мумкин:

1)банкнинг пассивлари активларидан кўп бўлиб, банкнинг тўловга қобилиятсизлиги келиб чиқиши;

2)лицензия бериш учун асос бўлган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар борлиги аниқланиши;

3)банкнинг кредит ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги аниқланиши;

4)ҳисоботларни мунтазам равишда бузиб кўрсатиш;

5)банк қонунчилиги ва лицензия шартларига зид банк операцияларини амалга ошириш;

6)банк лицензияси берилган пайтдан 1 йил давомида банк операцияларини амалга оширилмаганлиги;

7)антимонипол қоидалирини бузиш;

8)ЎР ҳудудида шўъба банк ташкил қилган банк норезидент декор қилиниши;

9) ЎР Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасида кўрсатилган асосларга кўра, яъни кредитор ва омонатчилар манфаатларига аниқ хавф туғдирадиган тижорат банклар томонидан банк қонунчилигини ва иқтисодий меъёрларини бузилган ҳолларда.

Банкротлик - бу хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиерий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги. Бу - банкротликнинг умумий таърифи. Банклар банкротлиги банкнинг кредитор ва омонатчилар олдидаги пул мажбуриятлари, бюджет ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни вақтида таъминлашга қодир эмаслиги.

Банкнинг банкротлиги фақат суд томондан ва фақат ЎР МБ томонидан банк лицензияси чақирилиб олингандан сўнг эътиров этилиши мумкин.

Банкнинг фаолияти бекор қилиниши банкни қайта ташкил қилиниши ва тугатилиши шаклида бўлиши мумкин. Тижорат ЎР МБнинг банкларни рўйхатга олиш китобига керакли ёзувлар киритилгандан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

6. Тижорат банкларнинг қайта ташкил қилиш.

Банкни қайта ташкил қилиш - бу банк фаолиятини ва мулкни бекор қилинмаган ҳолда банкни бекор қилиниши. Банкни қайта ташкил қилинганда банк фаолияти субъекти ва мулк эгаси ўзгаради. Банк қайта ташкил қилинганда бекор қилинган банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўнингҳуқуқий ворисларига ўтади.

Банкнинг қайта ташкил қилиш ЎР МБнинг розилигини олингандан кейин акциядорларнинг умумий мажлиси қарори асосида амалга оширилади. Банкнинг қайта ташкил этилиши ЎР МБ талабига кўра кредитор ва омонатчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Банкларни қайта ташкил қилиш кўшиш, кўшилиш, бўлиш, ажралиш ва ўзгартириш шаклларида ўтказилиши мумкин.

Кўшиш пайтида бир банк иккинчи банкга кўшилиб, ўз фаолиятини бекор қилади. Кўшилишда икки банк кўшилиб ва ўз фаолиятларини тугатиб янги банк ташкил қилишади. Бўлиш пайтида бир банк икки ва ундан кўп банкларга бўлиниб, ўз фаолиятини бекор қилади. Ажралишда бир банкнинг филиали ёки бош бўлинмаси мустақил банк бўлиб ажралиб чиқади. Ўзгартириш пайтида банкнинг ташкилий - ҳуқуқий шакли ёки мулк шакли ўзгаради (масалан, ёпиқ турдаги акциядорлик - тижорат банки очик турдаги акциядорлик тижорат банкига ўзгаради).

7. Банкнинг тугатилиши.

Тугатиш жараёнининг асосий мақсади - омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини қондиришдир.

ЎР МБ банкни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилгандан бошлаб, банкнинг ҳамма операциялари тўхтатилади, шартномавий мажбуриятларни муддаглари келган ҳисобланади, ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун ўрнатилган пеня ва жарималар кўпайиши тўхтатилади, тугатилаётган банк иштироқидаги судлардаги ҳамма ишлар тўхтатилади.

Тижорат банкни тугатилиши ЎР МБ назорати остида амалга оширилади. Бунинг учун кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинган кредиторлар комитети фаолиятида ЎР МБ вакили иштироқ этади.

Банкни тугатилиши ЎР МБ томонидан ва кредиторлар комитети мақуллагандан сўнг юридик, консалтинг, аудитор фирмаларидан ёки банк соҳасидаги мутахасислардан тузилган тугатиш комиссияси ёки тугатувчи амалга оширилади. Акциядорлар ва инсайдерлар тугатувчи ёки тугатиш комиссияси аъзоси бўла олмайдилар.

Кредиторлар комитети банк раҳбарияти банк тугатилиши элон қилинган майтдан бошлан 10 кун ичида чақирилган кредиторлар йиғилишида сайланади ва кредиторларни оператив органи ҳисобланади.

Тайинланган пайтдан бошлаб тугатувчига (тугатуш комиссиясига) банкни бошқариш бўйича ҳамма ваколатлар ўтади. Тугатувчига (тугатиш комиссиясига) банк устидан юридик ва амалий назорат ўтади.

Тугатувчи (тугатуш комиссияси) банкни тугатиш режасини тузади, ва у кредиторлар комитети мақулагандан сўнг ЎР МБ томонидан тасдиқланади. Шу режага биноан тугатувчи (тугатуш комиссияси) банк кредиторлари ва кардорларини аниқлайди, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилади, дарздорлардан маблағларни ундиради.

Тугатувчи (тугатиш комиссияси) омовий ахборот васиталарида банк тугатилиши тўғрисида элон қилади ва кредиторлар ўз талабларини банкга такдим этиш учун икки ойдан кам бўлмаган муддат белгилайди.

Такдим этиш муддати ўтгандан сўнг тугатувчи (тугатиш комиссияси) банк активлари ва қарзлари тўғрисида малумотларни ўз ичига олган орлик баланс тузади. Бу баланс УР МБ розилиги билан акциядорлар томонидан тасдиқланади.

Тугатувчи (тугатуш комиссияси) махсус тугатуш ҳисоб-варағи очади, бу ҳисоб варағга банк маблағларини йиғади ва шу ҳисоб варағдан банк омонатчилари ва кредиторали билан ҳисоб-китоб қилади. Банк мулкит аукцион орқали сотилади.

Омонатчилар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан ортиб қолган маблағлар акциядорлар орасида тақсимланади.

Тугатувчи (тугатиш комиссияси) фаолияти якунлангандан сўнг якуний баланс тузилади ва кредиторлар комитети ва УР МБ томонидан тасдиқланади.

7-Маъруза.Банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

1. Банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш.

Банклар ва унинг мижозлари юридик шахслар бўлиб фуқаролик муомиланинг мустақил иштирокчисидирлар. Мижозлар банкларга ёки банклар мижозларга маъмурий тартибда бўйсунмайдилар.

Банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар шартнома озодлиги, тенг ҳуқуқлик ва томонлар фаолиятига аралашмаслик принципларига асосланади.

Шартнома озодлиги принципи бўйича мижозлар ўзлари хизмат учун банкларни танлайдилар. Собиқ Совет Итфоқида мижозларга хизмат кўрсатадиган банкларни маъмурий тартибда ўрнатилган. Банкларга келсак, ҳар қайси банк мижозларни ўз хоҳиши бўйича танлаш ҳуқуқига қарамай, амалиётда банклар ҳар қайси мижозга банк хизматини кўрсатишга тайёрдирлар.

Банк ва мижозлар тенг ҳуқуқчилиги банк ва мижозлар тенг ҳажмдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини билдиради. Банк ва мижоз шартномада ва банк қонунчилигида кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун томонлар шартнома ва қонунчиликка биноан жавобгарликка тортиладилар.

Томонлар бир бирларига нисбатан маъмурий ваколатларга эга эмаслар Бундан банкларни «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 17 -моддасига биноан банклар валюта назорати агенти функциясини бажаришлари ва касса назоратини амалга оширишлари истисно.

Бир бирлари фаолиятларига аралашмаслик принципи банк ўз тавакалига ва ўз хоҳиши билан мижозларни ҳисоб-варағлардаги маблағларни кредит ва инвестиция шаклида жойлаштиришларини биддиради. Ўз навбатида, мижозлар ўз ҳисобварағлардаги маблағларини ўз хоҳишларига биноан мусодара қиладилар, банкларга мижозларга шу маблағларни мусодара қилишда таъсир кўрсатиш тақикланади.

Ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида банклар мижозларни манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Банклар мижозлар ҳисобварағларидаги маблағларни сақланишини, ўз вақтида мижозлар топшириги бўйича тўловларни ўтказишни, банк хизматлари тўғрисида ахборотларни беришлари керак.

2.Банк сири.

Банклар банк сирини таъминлашлари шарт. Банк сири - бу мижозлар ва вакилларнинг операциялари, ҳисобварағлари ҳамда жамғармаларига доир ва банк қонунчилигида кўрсатилган ҳоллардан мунтасно учинчи шахсларг берилмайдиган маълумотлардир.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 38 моддасига биноан, юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотлар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса суруштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига ; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол- мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суруштирирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотлар мазкур ҳисобварағ ёки омонат эгаси ёзган васиятномасида кўрсатилган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини

юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларнинг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса - чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Солиқ органлари сўровлари бўйича банклар солиқ тўловларини тўла ва тўғри тўлашни назорат қилиш учун мижозлари ҳисобланган корхоналар операциялари тўғрисидаги маълумотларни беради.

Хизмат бурчи юзасидан банк сири ҳисобланган маълумотлардан ҳабардар бўлган шахслар банк сирини ошкор қилганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда гап банк сири ҳисобланган маълумотларни мижозларнинг розилигисиз учинчи шахсларга бериш тақиқланганлиги тўғрисида кетияпти. Мижозлар банк сири ҳисобланган маълумотларни учинчи шахсларга чегарасиз бериши, ёки банк ўзига ошинчини ошириш мақсадида унга тегишли банк сирини ошкора қилишга розилигини билдириши мумкин.

3.Мижозларни ҳисобварақларини очиш тартиби.

Банк ва мижозларнинг ўзаро муносабатлар аваламбор клиентларни ҳисобварақларини юритишга йўнатилган. Мижоз банкда ҳисобварақ очади, бу ҳисобварақга банк учинчи шахслардан келадиган маблағларни шу ҳисобварақларга ёзиш, мижоз топшириғи билан шу ҳисобварақдан учинчи шахслар ҳисобварақларига пул маблағларни ўтказиш мажбуриятини олади.

Банк ва мижозлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари мижозга ҳисоварақ очилиши билан вужудга келади. Вақат ҳисобварақ очилгандан сўнгкредитлаш омонатларни қабул қилиш ва бошқа банк операциялари амалга оширилиши мумкин.

Ҳисобварақ очиш учун банк ва мижоз ўртасида банк ҳисобварағи шартномаси имзоланади. Шартнома ёзма шаклда булиши шарт, акси ҳолларда ҳақиқий эмасдир. Бу шартноманинг хусусиятлари, асосий шартлари, унинг тузиш ва бекор қилиш тартиби ҳисобкитоб операцияларига бағишланган бобда батафсил кўриб чиқилади.

Банк муайян турдаги ҳисобварақлар очиш учун эълон қилган, қонунда ва қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида назарда тутилган тегашли талабларган мос келадиган шартлар асосида ҳисобварақ очишни таклиф қилиб мурожаат этган мижоз билан банк ҳисобварағи шартномаси тузиши шарт. Юридик шахслар бундай шартномани ўз маблағларини банкда сакдаш учун имзолайдилар. Бундай ҳисобварақ талаб қилгунча депозит ҳисобварағи деб аталади. Фақат талаб қилгунча депозит ҳисобварағи очилган банкда бошқа ҳисобварақлар очилиши мумкин (валюта, омонат ва хоқазо).

УР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 январдаги 24-сон Қарорига кўра, 1000 ходимга эга бўлган юридик шахслар 1999 йил 1 июндан, 200 ва ундан кўп бўлган ходимларга эга бўлган юридик шахслар 1999 йил 1 декабрдан, бошқа юридик шахслар 2000 йил 1 июндан бошлаб бир неча банкларда ҳисобварақлар очилишлари мумкин.

Ҳисобварақ очиш учун мижозлар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

- 1) ариза;
- 2) нотариал тасдиқданган таъсис ҳужжатларини нусхалари;
- 3) нотариал ёки рўйхатдан оладиган орган тасдиқлаган давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- 4) солиқ тўловчи рўйхат сони тўғрисидаги билдириш;
- 5) имзо намуналари ва муҳр изли карточка;

аган лицензия талаб қилинадиган фаолият бўлса - нотариал тасдиқланган лицензия нусхаси.

Жисмоний шахслар ҳисобварақ очиш учун ариза, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва имзо намунаси карточка тақдим этади

1. Банк операцияларини ҳуқуқий тартибга солиш.

8-Маъруза. Банк операциялари.

1. Банк операциялари моҳияти ва аҳамияти.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги банк операциялари тушунчаси бермай, банклар амалга оширилиши мумкин бўлган операцияларини оддий санаб ўтиш билан чегараланиб қолади.

Банк операцияси - бу ЎР Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида амалга ошириладиган пул маблағларини жалб этиш, кредитлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга бўлган ва техник ҳаракатлар йиганидир.

Банк операцияларини ошириш тижорат банкларнинг асосий фаолиятидир. Банк операцияларини оширмайдиган ташкилот банк деб тан олинishi мумкин эмасдир.

Тижорат банклар банк операциялари ҳисобланмаган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, банклар кўп ҳолларда банк операцияларини ташкил қилмайдиган фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар имзолашлари мумкин (компьютер техникасини сотиб олиш, биноларни қайта таъмирлаш, коммунал хизматларидан фойдаланиш бўйича ва ҳоказо шартномалар). «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига биноан тижорат банкларга фақат ишлаб чиқариш, чавдо ва суғурта фаолияти билан бевосита шуғурлаш тақиқланади.

Банк фаолиятидан ташқари ҳаракатларини бажаришларига қарамай, банк операциялари банклар учун асосийдир. Фаолиятнинг бошқа турлари банк операцияларини амалга ошириш учун шароит яратиб беришга йўнатилган бўлиши керак.

Банк операциялари тижорат характерга эгадир. Ўз мижозларига хизмат такдим этганда банклар аввалам бор фойда олишни кўзда тутиб ҳаракат қиладилар. Банк хизмати банк ва мижоз ўртасида имзоланган шартномаларда белгиланган тўловлар эвазига амалга оширилади. Банк операциялари қўйидаги аломатларга эгадир:

- 1) банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни давомийлиги;
- 2) банк ва мижознинг тенг эмаслиги;
- 3) банк операцияларини ишочли характери (масалан, банк мижозга ишонмаган ҳолларда кредит беришдан бош тортиши мумкин);
- 4) банк операцияларининг стандарт шакллари, яъни банк операциялари ҳамма мижозларга бир шаклда такдим этилиши;
- 5) турли давлатларда банк операцияларини бир хил ҳуқуқий тартибга солиниши.

Россиялик ҳуқуқшунос олим О.Олейнинг банк операцияларига қизиқарли таъриф беради. Унинг фикрича банк операцияси - бу авваламбор пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва валюта қийматлари билан операциялардир. Пул маблағари билан бўлган операциялар банк операцияларини кўп қисмини ташкил қилса ҳам, ҳамма пул операциялари банк операцияларга кирмайди. Пул учта функцияни - товар ва хизматлар учун тўлов воситаси (муомала воситаси) функцияси, қиймат ўлчаш воситаси (қиймат ўлчови) функцияси, маблағларни сақлаш воситаси бажаради. О.Олейникнинг фикрича пул маблағлари фақат муомила воситаси (ҳисоб-китоб операциялари) ва сақлаш воситаси (омонат ва кредит операциялари) функцияларини бажаргандагина банк операциялари тўғрисида гап юрутса бўлади.

2. Банк операцияларини лицензиялаш.

Юқбрида айтиб ўтилгандек, банклар банк операциялари ЎР МБдан банк лицензия олингандангига амалга оширилиши мумкин.

Лицензия - бу ўрнатилган тартибда ваколатли давлат органи томонидан берилган ва

унинг эгасига унда белгиланган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Банк лицензияси - бу ўрнатилган тартибда ЎР МБ томонидан тижорат банкка берилган ва унга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжатдир. Тижорат банклар фақат банк лицензиясида кўрсатилган банк операцияларини амалга оширишлари мумкин.

ЎР МБ тижорат банкларга тижорат банкларни рўйхатга олиш пайтида бериладиган ва банк операцияларини миллий валютада амалга ошириш ҳуқуқини берадиган умумий лицензия ва тижорат банкларга чет эл валюталарида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган валюта лицензияларини бериши мумкин.

Ўз навбатида ЎР МБ валюта лицензияларини уч турини - ҳамма давлатларда ҳамма валюта билан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган умумий валюта лицензияси, ҳамма валютада лекин фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ички лицензия ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта валюта операциясини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган бир марталик валюта лицензияларига бўлинади.

Валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган валюта лицензияларини беришдан аввал, ЎР МБ тижорат банк томонидан бундай операцияларни амалга ошириш учун шароитларга эга бўлганлигани текширади. Бунда тижорат банк керакли алоқа воситаларига, валюта қонунчилигани ҳамда дунё тилларини биладиган ходимларга эгаллигани, аниқланган муддат ичида (хусусий банклар учун - 6 ой, бошқа банклар учун - 1 йил) миллий валютада операцияларни муваффақият билан бажарганлигини, банк қонунчилиги ва ЎР МБ талабларини бўзмаганлигини текширида.

Чет эл инвестицияларига эга бўлган банклар банк норезидент - чет эл банкларининг шўъба банкларига валюта лицензиялари бундай банклар рўйхатга олган пайтда берилади.

3. Банк операцияларни турлари.

Банклар банк операцияларининг жуда кўпларини амалга оширади. «Банклар ва банк фолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси тижорат банклар учун бажарилиши зарур бўлган ва банклар бажариши мумкин бўлган банк операцияларини рўйхатини аниқлайди.

Банклар учун амалга ошириш зарур бўлган банк операцияларига омонатларни қабул, кредитлаш ва ҳисоб-китоблар операциялари киради. Валюта, касса, лизинг, факторинг ва бошқа операциялар банклар тижорат банклар томонидан амалга оширилиши мумкин.

М.М.Агарков банк операцияларининг қуйидаги банк операциялари турларини ажратади:

1) маблағларни жалб қилиш бўйича операциялар (омонатларни қабул қилиш, облигациялар чиқариш, банклараро кредитлар ва ҳоказо);

2) кредит операциялар (кредитлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олиш, учинчи шахслар учун кафолатлар бериш ва ҳоказо);

3) тўлов муомиласи бўйича операциялар (маблағларни ўтказиш, чеклар бўйича тўловларни амалга ошириш, векселлар билан ишлаш ва ҳоказо).

9-Маъруза. Ҳисоб-китоб операциялари.

1. Ҳисоб-китоб операциялар моҳияти ва аҳамияти.

2.

Ҳисоб-китоб операциялар - бу банкнинг мижоз ҳисобварағига учинчи шахслардан келган пул маблағларини ёзиш ва мижоз топшириғига асосан унинг ҳисоб-варағидан учинчи шахслар фойдасига пул маблағларшдчириш бўйича банкнинг фаолиятидир.

ИЪқорида кўрсатилгандек, юридик шахслар ўз маблағларини банкларда сақлашлари лозим. Юборилган ва қабул қилинган товарлар, бажарилган ва қабул қилинган ишлар, кўрсатилган ва қабул қилинган хизматлар учун ҳисоб-китоблар банк ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

Товар, иш ва хизматларни олиш ва реализация қилиш фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида амалга оширилади. Етказилган товар, иш ва хизматлар учун олувчи аниқланган пул миқдорини тўлаши керак. Олувчи ўз банкига олинган товар, иш ва хизматлар учун шартномада кўрсатилган пул маблағларини ўз ҳисобварағидан товар, иш ва хизмат етказувчи фойдасига ўчириш тўғрисида топшириқ беради.

Тўлов топширигани олиб банк куйидаги ҳаракатларни бажаради. Агар товар, иш ва хизмат етказувчи шу банк мижози бўлса, банк хизматчилари тўлов топшириғида кўрсатилган пул маблағларини олувчимни ҳисоб варағида ўчириб, етказувчига қўшиб ёзади.

Агар етказувчининг ҳисоб варағи бошқа банк муассасасида бўлса, олувчининг банки олувчи тўлов топшириғини олгандан кейин банк корреспондентлик ҳисобварағини юрутувчи ЎР МБ бўлинмасига унинг корреспондентлик ҳисобварағидан товар, иш ва хизмат етказувчисига хизмат кўрсатадиган банк корреспондентлик ҳисобварағига оливининг тўлов топшириғида кўрсатилган маблағларни ўтказишни сўрайди. ЎР МБ товар етказувчи банкнинг корреспондентлик ҳисобварағига кўрсатилган пул маблағларини ўтказиши ва банкга қайси мижоз фойдасига бу пул маблағлар келганини кўрсатади.

2. Ҳисоб-китоб операциялар турлари.

ЎР Фуқаролик Кодекси, 27 июлдаги 60-сон нақтсиз ҳисоб-китоблар ўтказиш тўғрисидаги Низом меъёрларига кўра нақтсиз ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари, инкасса талаблари, аккредитив ва чеклар билан амалга оширилиши мумкин.

Тўлов топшириқномалари асосида ҳисоб-китоблар амалга оширишда мижоз банкка 60-сон Низомнинг 1-Иловасида кўрсатилган тўлов ҳужжатини етказиши керак. Агар тўлов юборувчи ва тўлов олувчи бирта банкда бўлсалар, тўловчи банкка тўлов топшириғини 3 экземплярда етказиши керак: бир экземпляр тўловчига, бир экземпляр банкка ва бир экземпляр тўлов олувчига. Агар тўловчи ва тўлов олувчи иккита банкда бўлсалар, тўловчи тўлов топшириғини 2 экземплярда банкка етказиши керак: бир экземпляр ўзига, бир экземпляр банкка.

Тўлов топшириғи корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Тўлов топшириғидаги сана тўлов топшириғини банкка тақдим этилган кун санаси бўлиши керак. Мижоз ҳисобварағида пул маблағлар етарли бўлган ҳолда банк тўлов топшириғи асосида тўловларни амалга ошириши керак. Пул маблағлари етарли бўлмаси биринчи навбатда бюджет олдидаги ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган тўловлар пропорционал тўланади.

60 Низом инкассо бўйича тўловларни тўлов талабномалари ва инкасса талабномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб китобларга ажратади.

Тўлов талабномалари асосида ҳисоб-китоблар товар, иш ва хизмат етказувчи тўлов талабномаларига асосан шу товар, иш ва хизмат олувчидан пул маблағларини банк орқали талаб қилиш тартибида амалга ошириши керак. Тўлов талабномасига шу тўловларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар банкка тақдим этилади (шартномалар, товар, иш, хизматни қабул қилинган тўғрисидаги актлар ва хоқазо).

Товар, иш ва хизмат етказувчи ва олувчи келишувига кўра, тўлов талабномалари

акцептли ва акцептсиз бўлиши мумкин. Акцептли тўлов талабномалари бўйича тўловлар ўтказишдан аввал банк товар, иш, хизмат олувчини тўловга розилигини олиши керак. Товар олувчи тўлов талабномани тасдиқламаси, банк тўлов талабномасини товар етказувчига қайтаради.

Агар тўлов талабномаси акцептсиз бўлса, банк товар олувчига фақат шу тўлов талабнома асосида унинг ҳисобварағидан пул маблағлари ўчирилгани тўғрисида маълумот беради.

Агар тўлов талабномалари акцептсиз бўлса ёки товар олувчи акцептли тўлов талабномасини тасдиқласа, лекин *униш* ҳисоб варағида етарли пул маблағлари бўлмаси, банк бундай тўлов талабномалари 2-сон картотека жамланади ва пул маблағлари келишига қараб, банк бу талабномалар бўйича тўловларни амалга оширади.

Инкассо талаблари бўйича ҳисоб-китоблар тўлов талаблари бўйича ҳисоб-китоблар тартибда амалга оширилади, фақат инкассо талабларини банкка солиқ органлари, суд ижрочилари ўз вазифаларини бажариш жараёнида тақдим этадилар.

Лккредитив бўйича ҳисоб-китобларда товар олувчи ўз банки билан товар етказувчи аниқ ҳужжатларни банкка тақдим этганда шу товарлар учун тўловларни банк амалга ошириш тўғрисида келишади. Товар етказувчи учун аккредитив қўшимча қафолат бўлади, чунки товар олувчи моддий ҳолати ёмонлашса, банк тўловларни ўз маблағларидан амалга оширади.

Чеклар бўйича ҳисоб-китоблар «Давлат белгиси» давлат корхонасида бланклари ишлаб чиқарилган чеклар билан амалга оширилади. Чек - бу мижозлар махсус ҳисобварағга керакли пул маблағларини кирштанлардан сўнг бериладиган ва ўрнатилган шаклда бўлган, банк қонунчилигида кўрсатилган реквизитларга эга бўлган («чек» номи, серияси, рақами, чек эгасининг ҳисоб рақами, пул маблағи ва хоказо - БОНизомнинг 2.1. банди.) ҳужжатдир.

Товар олувчи олган товар учун товар етказувчига тўлов сифатида чек бериши мумкин. Товар етказувчи чекни банкка тақдим этади. Банк бу чек бўйича товар олувчи ҳисоб варағидан чекда кўрсатилган суммани товар етказувчи ҳисобварағига ўтказиши.

3.Банк ҳисобварағи шартномаси.

ЎР ФКнинг 771-моддасига биноан банк ҳисобварағи шартномаси - бу бир тараф - банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матнда - банк) иккинчи тарафнинг - мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олиш тўғрисидаги келишувдир.

Марказий банк ҳисоб-китоб операцияларини бажариш ҳуқуқини берадиган лицензиясига эга бўлган банклар ва банк мижозлари ҳисобланган ҳисобварақ эгалари шартноманинг тарафларидир. Ҳисобварақ эгалари жизмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Банк ҳисобварағи шартномаси ёзма шаклда тузилши керак. Ёзма шаклига риоя қилинмаса банк ҳисобварағи шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас бўлади. Бу шартнома бўйича мижозга асосий ҳисобварақ-талаб қилингунгача сақланадиган омонат ҳисобварағи. Бошқа ҳисобварақлар (валюта ҳисобварағи, иккиламчи ҳисобварақ ва хоказо) очиш учун бошқа шартномалар тузилади.

Бу шартномага биноан банклар

а) кўйидаги мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар:

1)ҳисобварақ эгалари ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқномаларини бажариш;

2)уларнинг ҳисобварағларига учинчи шахслардан келган пуло маблағларини киритиб қўйиш;

- 3) банк сирини сақлаш;
- 4) ҳисобварақлар эгалари талабларига кўра ҳисобварағ ҳолати ва ўтказилган операциялар тўғрисида маълумотларни етказиш;
- 5) шартномада ёки банк қонунчилигида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар.

б) қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- 1) кредитлашда ва инвестицияларни амалга оширишда омонатчиларнинг ҳисобварағларидаги маблағлардан фойдаланиш;
- 2) кўрсатилган хизматлар ва берилган кредитлар учун миждозларнинг рухсатсиз керакли суммаларни ўз фойдасига ўтказиш;
- 3) ҳисобварақ эгалари амалга ошираётган касса ва валюта операцияларини назорат қилиш;
- 4) шартномада ва банк қонунчилигида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар.

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича ҳисобварақ эгалари

а) қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- 1) банкка бажариш учун шарт бўлган уларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ўчириш ва инкассо бўйича тўловларни амалга ошириш тўғрисида топшириқлар бериш;
- 2) ҳисобварақ ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш;
- 3) уларнинг ҳисобварақлардаги маблағлар қолдиқларидан фойдалангани учун банкдан ҳақ олиш;
- 4) кредит шартномаси ва банк қонунчилигида аниқланган шартларда банкдан кредитлар олиш;
- 5) шартномада ва банк қонунчилигида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар.

б) қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- 1) ҳисобварақда шартномада аниқланган минимал қолдиқни таъминлаш;
- 2) банкнинг касса ва валюта назорати агенти функцияларини бажариш жараёнида қўйган талабларини бажариш;
- 3) шартномада ва банк қонунчилигида кўрсатилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

Бу шартнома ҳақ эвазига тузиладиган шартномадир. Кўрсатган хизмату учун банк шартномада аниқланган ҳақ олади. Амалиётдам шартнома ҳақи амалга оширилган ҳисоб-китоб операциялар суммасидан фойизлар шаклида аниқланади.

Ўз мажбуриятларини бажармаганлари учун томонлар шартнома, банк ва фуқаролик қонунчилигига кўра жавобгарликка тортилади. Банклар тўловларни амалга оширмаганликлари ёки вақтида оширмаганликлари, банк сирини сақламаганликлари, банк ҳисобварағи шартномасидан келиб чиққан бошқа мажбуриятларни амалга оширмаганликлари учун жавоб берадилар. Ҳисобварағ эгалари валюта ва касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини бузганлари учун жавоб берадилар.

Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгаси аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади. Банк талабига кўра суд шартномани қўйидаги ҳолларда бекор қилши мумкин:

- 1) агар ҳисобварағдаги қолдиқ шартномада ўрнатилган минимал миқдоридан кам бўлса, ва миждоз банк огоҳномасини олгандан сўнг уни тикламаса;
- 2) агар шартномада бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, бир йил давомида ҳисобварағ бўйича операциялар бажарилмаган бўлса.

Шартнома бекор қилинганда ҳисобварақ ёпилади, ундаги пул маблағларининг қолдиғи миждознинг тегашли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичида миждозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

10-Маъруза.Омонат (депозит) операциялар.

1. Омонат (депозит) операциялар мохияти ва ахамияти.

Омонат (депозит) - бу мижоз аниқ муддат тугагандан кейин бериш ёки талаб қилиши биланоқ фойизлар билан бериш шартида банкка берган пул маблағидир.

ЎР Фуқаролик Кодекси бошқа кредит ташкилотлари учун омонатларни қабул қилишни тақиқламаганига қарамай, амалдаги қонунчиликка биноан, фақат банлар омонатларни қабул қилишга ҳақдидир. Бизнинг мамалкатимизда нобанк кредит ташкилотлар фаолиятини, шу жумладан улар томонидан омонатларни қабул қилиш бўйича фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ҳали йўқдир.

Омонатчилар жисмоний ёки юридик шахс бўлишлари мумкин. Юридик шахслар эса ўз пул маблағларини банкларда сақлашлари мажбурийдир.

Банк ўз хоҳишига кўра уларга берилган омонатлардан учинчи шахсларни кредитлаш ва иқтисодга сармоялаш мақсадида фойдаланиши мумкин. Лекин банклар омонатларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлашлари шарт.

Омонат операцияларини амалга ошириш банкларга бир шахсларни бўш маблағларини аккумуляци қилиш ва уларни вақтинча пул маблағларига эҳгиёж бўлган шахсларга беради. Жалб қилинган маблағлардан тижорат банклар пул маблағларни товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар беради. Омонат операциялари бозор усуллари билан талаб ва таклиф қонуни асосида жамиятдаги пул маблағларни иқтисод тармоқлари бўйича текис тақсимлайди.

Кредитлар товар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчиларга аниқ фойизлар бўйича берилади. Бу фойизлар қисмини банклар омонатчиларга омонат шартномасида кўрсатилган фойизлар сифатида тўлайдилар.

2.Омонат (депозит) операциялар турлари.

Амалдаги фуқаролик ва банк қонунчилиги омонатларни талаб қилингунча сақланадиган омонатлар ва муддатли омонатларга ажратади.

Талаб қилингунча сақланадиган омонатлар омонатчига нақт шаклда ёки нақтсиз тартибда у кўрсатган ҳисобварақка ўтказиш билан берилшпи керак. Банк қонунчилиги талаб қилингунча сақланадиган омонатларни омонатчига бериш муддатини аниқламаган. Лекин банк қонунчилиги меъёрларини таҳлили қуйидагиларни кўрсатади.

Талаб қилингунча сақланадиган омонатларни учинчи шахслар ҳисобварағига ўтказиш йўли билан қайтарилиши омонатчини фармойиши банкка келган кунининг эртасидан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилиши керак. Омонатларни нақт шаклда омонатчи банкка муружаат қилган куни қайтарилиши керак.

Муддатли омонатлар банк омонати шартномасида кўрсатилган муддат тугаганда қайтариши керак. Лекин ЎР Фуқаролик Кодекси 762-моддасининг 3-қисмида биноан муддатли омонатлар фуқароларнинг биринчи талабига кўра қайтарилиши керак. Фуқаронинг муддатли омонатни муддагидан олдин талаб қилишини тақиқлайдиган омонат шартномасининг қоидалари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муддатли омонатни муддатидан олдин талаб қилинганда, унга фойизлар талаб қилингунча сақланадиган омонатларга ўрнатилган фойизлар микдорида тўланади.

Агар муддатли омонатлар муддати тугагандан кейин омонатчи омонат суммасини қайтариб беришни талаб қилмаса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилингунча сақланадиган шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Муддатли ва талаб қилингунча сақланадиган омонатлардан бошқа омонатлар ютуқли, мақсадли (масалан, муддати тутугундан сўнг омонатчига автомобиль берилшпи), шартномада

кўрсатилган вазиятлар (масала, боланинг ғояга етиши) келганда қайтариладиган омонатлар бўлиши мумкин.

Чет давлатларда қуйидаги омонатлар (депозитлар) мавжуддир: 1)ёпиқ депозит - ёпилган, мухирланган ва банк оча олмайдиган ҳолда пул маблағларини, тўлов ҳужжатларини ва қимматбаҳо бойликларни омонатчи банкка сақдаш учун беради; 2)сейфли депозит - банк мижозларга ихтиёрига улар пул маблағларини, тўлов ҳужжатларини, қимматли бойликларни сақлаш учун сейфларни беради; 3)очик депозит - мижоз пул маблағларини, тўлов ҳужжатларини ва қимматбаҳо бойликларни банкка очик ҳолатда беради. Очик депозитга берилган пул маблағларидан банк кредитлаш ва сармоялашда фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон банклари амалга оширадиган депозит операциялари очик пул депозитлар турига киради.

3.Банк омонати шартномаси.

Банк омонати шартномаси - бу банк омонатчидан олган ёки унинг номига учинчи шахсдан келган пул маблағини шартномада кўрсатилган шартлар ва тартибда қайтариш ва улар учун фоизлар тўлаш бўйича мажбуриятларини олиши тўғрисида банк ва омонатчи орасидаги келишувдир. Банк омонати шартномаси омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиши керак. Агар омонатни қўйилши омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунда, қонунга мувофиқ чиқарилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланадиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жаваб берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқданган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Банк омонати шартномаси қуйидаги шартларни ўз ичига киритиши керак - омонат миқдори, тури, қўйиш тартиби ва муддати, фоизларнинг миқдори ва тўлаш тартиби, омонатнинг қайтариш тартиби ва муддатлари.

Шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, банк талаб қилиб олгунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилгандан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтидан бир ой ўтганидан кейин қўлланади, агар шартномада бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса.

Муддатли омонатлар бўйича фоизлар миқдорини банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас.

Банк омонати шартномаси бўйича банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

1)омонатни сақланишини таъминлаш;
2)омонатчининг биринчи талабига кўра ёки белгиланган муддатдан сўнг ёхуд белгиланган шарт-шароитлар келиб чиқанда омонатни омонатчига қайтариш; 3)шартномада кўрсатилган миқдорда ва тартибда омонатдан фойдалангани учун фоизлар тўлаш. Агар шартномада фоизлар кўрсатилмаган бўлса, банк талаб қилингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорида фоизлар тўланиши шарт.

Банк фоизларни тўламагани учун ва омонатни қайтармагани учун жавобгарликка тортилади. Банк жавобгарлиги омонат шартномасида кўрсатилган бўлиши мумкин. Агар шартномада банкнинг жавобгарлиги кўрсатилмаган бўлса, у ЎР «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Фуқаролик Кодекси нормалари бўйича жавобгарликка тортилади.

11-Маъруза. Кредит операциялар.

1.Кредит операциялар мохияти ва ахамияти.

Банк кредити- бу банк мижозга (қарз олувчига) қайтарилиш, муддатли ва ҳақли шартларида берган пул маблағидир. Банклардан ташқари бошқа кредит муассасалари ҳам кредит бериш ҳуқуқ эгадир, лекин ҳозирги пайтда мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотлари кредит бериш бўйича фаолияти учун ҳуқуқий асослар йўқдир. Нобанк кредит муассасалари фаолияти тўғрисидаги қонунлар тўла қабул қилинмаган.

Қарз олувчилар юридик ва жизмоний шахс бўлишлари мумкин. Бу юридик ва жизмоний шахслар банк мижозларидир. Юридик шахслар барча ташкилий-ҳуқуқий ёки мулкдорлик шаклида бўлиши мумкин.

Банк қонунчилигига кўра қарз олувчилар фақат уларга хизмат кўрсатадиган банкларда кредитлар олишлари мумкин.

Банк кредити - бу аввалам бор банкка тегашли бўлган ва қарз олувчига берилган пул маблағидир. Кўп ҳолларда банклар жалб этилган маблағларни кредит сифатида берадилар. Аҳоли ва юридик шахсларнинг пул маблағларини омонат операциялар бажариш жараёнида жалб этиш банкларга жуда кўп пул маблағларини жамлашга шароитлар яратади. Банкнинг ўз маблағлари бу пул маблағларининг оз қисмини ташқил қилади.

Банклар кўп ҳолларда мижозлар маблағларини таввақал қилади. Бу ҳол ЎР ММ томонидан банк назоратини ва банк фаолиятини тартибга солишни асосий сабабидир.

Кредитлар қайтарилиш, муддатли ва ҳақ тўлаш шартларида берилади. Кредитнинг қайтарилиши берилган кредитлар қарз олувчи томонидан қайтарилиши шартлигини билдиради. Бу билан кредитлар молиялашдан ажралиб туради. Молиялашда пул маблағларини олувчи олинган пул маблағларини қайтариш мажбуриятини олмайди.

Кредитнинг муддатлилиги банк ва қарз олувчи ўртасида ҳар доим кредитни қайтариш муддати тўғрисидаги келишув бўлади. Кредитлар талаб қилиб олгунча бўлмайди. Кредитни қайтариш муддати ва шу муддатни бузганлиги учун қарз олувчининг жавобгарлиги кредит бериш асоси ҳисобланган кредит шартномаларнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Банк кредитининг ҳақ эвазига берилиши берилган кредит учун қарз олувчи шартномада аниқданган ҳақни тўланиши кераклигини билдиради. Банк кредити ҳақсиз бўлиши мумкин бўлган қарз беришдан доим ҳақлилиги билан ажралиб туради. Банк амалиётида қарз олувчи банкка олган кредити учун берилган кредит ҳажмидан фоиз шаклида аниқланган ҳақ тўлайди.

33-сон Низом кредит учун олинадиган фоизлар ЎР МБ томонидан тижорат банкларга бериладиган кредитлар фоизи - қайта таъминлаш фоизидан 1.5. баравар кўп бўлмаслигини тафсия қилади. Марказлашкан кредитлар эвасига бериладиган кредитлар учун эса бу фоиз мажбурийдир.

Кўп ҳолларда банклар кредитларни мижозлар кредит шартномасидан келиб чиққан ўз мажбуриятларни бажаришни таъминлагандан сўнг берадилар. Кредитнинг қайтарилиши ва кредит учун фоизларнинг тўланишини неустойка, гаров, кафиллик, кафолат, қарздорнинг мол-мулкни ўшлаб қолиш билан таъминланиши мумкин. Банк амалиётида банклар асосан таъминлаш турларидан гаров, кафолат, кафиллик талаб қилишади, кредит шартномаларига неустойка бўйича қоидаларни киритадилар. Лекин кредитлар ишончли бўлиши мумкин: банк мижознинг барқарор молиявий ҳолати ва унинг раҳбарларининг профессионал даражасини ҳисобга олиб кредитларни таъминотсиз бериши мумкин. Бундан кредитлар бланкет кредитлар деб аталади.

Жуда қам ҳоллардан ташқари, ҳамма банк кредитлари мақсадли бўлади. Мижоз кредит маблағларини сарфлайдиган тадбирлар ижибой самара беришига ишонч ҳосил қилгандан сўнг банк мижозга кредит беради. Кредит бергандан сўнг банк кредит мақсадли сарфланаётганини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва кредитнинг келишилган мақсадларга ишлатилмаган ҳолларда банк кредитнинг қолган қисмини беришни рад этиб,

кредит шартномасини бекор қилиб берилган кредитни муддатидан оддин қайтаришни ва фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

2.Банк кредити турлари.

Муддатига кўра банк кредитлари қисқа муддатли, ўрта муддагли ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредитлар 12 ойгача бўлган муддатга берилади. Бундай кредитларнинг муддати кредитланадиган тадбирларнинг ўтказиш муддатлари, уларнинг ўз-ўзларини оқлашлари ва бошқа шартларга боғлиқдир. Амалиётда қисқа муддатли кредитлар кўп ҳолларда савдо корхоналарига товар сотиб олиш учун берилади. Бу товарларни сотиб, савдо корхоналари кредитни банкка қайтаради ва унга аниқланган фоизларни тўлайди.

Ўрта муддатли кредитлар 12 ойдан 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Бундай кредитлар янги товарларни ўзлаштириш ва технологик тадбирлар билан боғлиқ бўлган юқори самарали ва тез ўзини оқлайдиган чора-тадбирларга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан кўп бўлган муддатга берилади ва ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиниши, техник жихатдан қайта қуриланиши билан боғлиқ бўлган сармоявий мақсадларга берилади.

Юқорида айтиб ўтилгандан, таъминлаши бўйича кредитлар таъминланган ва бланкет кредитларга бўлинади.

Кредит маблағларини етказиб бериш тартиби бўйича кредитлар алоҳида қарз ҳисобварағидан кредит бериш ва контокоррент ҳисобварағидан кредитлашга бўлинади.

Алоҳида қарз ҳисобварағидан кредит беришда банк қарз олувчига махсус ҳисобварағ очади ва унга кредит суммасини ўтказади. Шу ҳисобварағдаги маблағлардан қарз олувчига учинчи шахслар томонидан етказилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Контокоррент ҳисобварағи орқали кредитлашда банк қарз олувчининг асосий талаб қилинганча сакданадиган депозит ҳисобварағини ёпади ва қарз олувчининг ҳамма операцияларини ягона контокоррент ҳисобварағидан амалга оширилади. Контокоррент ҳисобварағида пул маблағлари етмаган ҳолда, банк келишилган лимит чегарасида ўз маблағларидан ҳисоб-китобларни амалга оширади. Контокоррент ҳисобварағидан кредитлаш муддати 12 ойдан кўп бўлмаши керак, лекин 12 ойлик муддат якунлагандан сўнг томонларни келишувига кўра бу муддат чўзилиши мумкин.

3.Кредит шартномаси.

Кредит шартномаси - бу банк қарз олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олиши тўғрисидаги келишувдир.

Шартнома иккитарафлама мажбурлайдиган шартномадир, ҳам кредитор ҳам қарз олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Кредит шартномаси ҳақ эвасига тузиладиган шартномадир, қарз олувчи берилган пул маблағлари учун банкка шартномада кўрсатилган тартибда фоизлар тўлаши керак.

Шартнома шакл - оддий ёзма шаклдир. Ёзма шаклига риоя қилинмаса, шартнома ўз ўзидан бўлмаган ҳисобланади.

Кредит шартномаси бўйича *кредитор* а) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1)қарз олувчидан кредит бериш учун аҳамиятга эга бўлган бухгалтерия ва статистик ҳисоботни (хўжалик-молиявий ҳолати, кредитга лаёқатлиги, кредитни мақсадли сарф қилиниши ва унинг таъминота тўғрисида маълумотларни) олиш;

2)берилган кредитлар учун фоизлар олиш;

3)қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги, кредитни таъминлаш, кредитни аниқланган

мақсадга ишлатиш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги ва шартномада кўрсатилган бошқа ҳолларда (масалан, ҳисоботларни банкка етказмаганлиги учун ёки нотўғри ҳисобот берганлиги учун) шартномани бекор қилиб муддатидан олдин кредитни ва унга фоизларни ундириб олиш;

4) қайта молиялаш фоизи ўзгарган тақдирда кредит учун фоизларни ўзгартириш;

5) шартномада кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар; б) қуйидаги мажбуриятларини ўзига олади:

1) ўз вақтида кредитни бериш ва пул-ҳисоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш;

2) кредит шартномасига биноан ҳар ойда кредитларга фоизларни ҳисоблаш;

3) кредитни ва унга фоизлар муддатидан олдин ундириш ҳолларида бу тўғрисида қарз олувчига маълумот бериш;

4) шарномада кўрсатилган бошқа мажбуриятлар

Кредит шартномаси бўйича қарз олувчи а) қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

1) кредит шартномасида назарда тутилган микдорда ва муддатда кредитни олиш;

2) агар шартномада кўрсатилган бўлса ёки кредитор қарши бўлмаса, кредитни муддатидан олдин қайтариш;

3) шартномада кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар; б) қуйидаги мажбуриятларни ўзига олади:

1) кредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланишни таъминлаш;

2) кредитни гаров, кафолат, қафиллик ёки бошқа йўл билан таъминлаш;

3) ўз вақтида фоизларни тўлаш ва кредитни қайтариш;

4) кредитдан мақсадли фойдаланиши, ўз тўловга лаёқатлиги тўғрисида банкка маълуматлар бериш;

5) шартномага биноан бошқа мажбуриятлар;

Шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун томонлар кредит шартномада кўрсатилган, агар шартномада кўрсатилмаган бўлса, Фуқаролик Кодексининг 327-моддаси ва ЎР «Хўжалик юршувчи субъектларнинг фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги Қонун меъёраларига биноан жавоб берадилар.

Шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун қарз олувчи ва кредитор мажбуриятни кечиктирилган ҳар кун учун пеня ва етказилган зарарларни қоплаш шаклларида жавоб берадилар.

12-Маъруза. Бошқа банк операциялари

1. Валюта операциялари моҳияти, аҳамияти ватурлари.

Валюта операциялари ЎР «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар, 174-сон валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари билан тартибга солинади.

Валюта операцияларининг ҳар хил турлари мавжуд. Валюта операциялари банк ва нобанк муассасалари билан амалга оширилиши мумкин. Лекин амалиётда замонавий давлатлар ҳудудида амалга ошириладиган валюта операцияларининг асосий қисмини банклар амалга оширадилар.

Банклар амалга оширадиган валюта операциялари - бу чет эл валютасида амалга ошириладиган банк операцияларидир. Сумда ошириладиган деярли ҳамма операцияларни банклар чет эл валютасида амалга оширадилар.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши, аҳолини чет давлатларига чиқишда мавжуд бўлган чет эл валютасига талабларини қондирилиши, хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириши учун асосий шартлардан бўлган чет эл сармояларини мамлакатимиз иқтисодига жалб этишда валюта операцияларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса валюта операциялари барқарор иқтисодий ва маънавий ўсиш зарур шароит бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро иқтисодий муносабатларга интеграция бўлиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Халқаро иқтисодий муносабатларда тенгҳуқуқли иштироқчи сифатида қатнашиш учун аввалам бор Ўзбекистон Республикасидан ва Ўзбекистон Республикасига капиталлар ҳаракат қилишини талаб қилади.

Банк операцияларини лицензиялатишда кўриб чиқилганда кўрсатилгандек, валюта операцияларини амалга ошириш учун тижорат банки ЎР МБ лицензия олиши шарт. Ҳозирга пайтда Марказий банкка валюта операцияларини бекор қилиш тўғрисида таклифлар тушмаяпти. Халқаро молия ташкилотлари ҳам шуни тасвия қиладилар. Лекин валюта лицензияларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор ҳали қабул қилинмаган.

Валюта операциялари сўмда амалга ошириладиган банк операциялари билан ўхшашларига қарамай, уларни амалга ошириш кўп чекланилар билан боғлиқ. Айтиб ўтилгандек, чет эл валютасида кредитлар тақиқланган, ҳисоб - китоблар ва халқаро пул ўтказишлар анча чекланган.

Бундан ташқари, чет эл валютасида ҳисобварақларни юридитиш учун махсус шартлар ўрнатилган. Чет эл валютасидаги ҳисобварақлар фақат валюта қонунчилигида кўрсатилган ҳолларда дебитланади (яъни ундан валюта ўчирилади) ва кредитланади (яъни унга валюта киритилади). Бундай ҳоллар сўм ҳисобварақлари дебитланиши ва кредитланиши ҳоллалидан анча кам. Масалан, норезидентлар валюта ҳисобварақлари фақат улар Ўзбекистон Республикасига чет давлатларидан ўзлари билан олиб келган ва улар номига ўтказилган чет эл валюта суммасига дебитланиши мумкин.

Банк қонунчилиги валюта операцияларини ҳар хил асослар бўйича турларга бўлади. Кўп давлат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси, қонун чиқарувчилари валюта операцияларини турларининг икки гуруҳини ажратади.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасининг 5 банди қуйидаги валюта операциялар турларини аниқлайди:

валюта бойликларига нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқининг ўтиши билан боғлиқ бўлган операциялар, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган операциялар;

валюта бойликларини хориждан Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш

ҳамда Ўзбекистон Республикасидан хорижга олиб чиқиш ва жўнатиш;
хақаро кўламда пул ўтказиш ишларини ошириш.

Шу модданинг 7-банди валюта операцияларини бошқа турларини кўрсатади. Банк валюта операцияларини жорий операцияларга ва капитал харакати билан боғлиқ бўлган операцияларга бўлинади. Қуйидаги операциялар жорий операциялардир:

1) молларни экспорт ва импорт қилшп, валюта бойликларининг олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқариш билан боғлиқ, ҳисоб-китобларни тўлов муддатини кечикирмаслик шарти билан амалга ошириладиган, қарз маблағлари берилиши ёки жалб этилиши назарда тутмадиган операциялар;

2) банк омонатлари, кредитлари, инвестициялар ва бошқа молия операциялардан фоизлар, дивидендлар ҳамда ўзга даромадларни хорижга ва хориждан ўтказиш;

3) савдо билан боғлиқ бўлмаган маблағларни, шу жумладан иш ҳақи, пенсия алимент, мерос пулларни ўтказиш, шунингдек шунга ўхшаш бошқа операциялар.

Капитал харакати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари жумласига

1) инвестициялар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш;

2) кредитларни бери ва олиш;

3) тўловлар амалга ошириладиган ёки эғалик ҳуқуқи муайян муддатдан кейин валюта бойликларига ўтадиган молиявий операциялар киради.

Валюта операцияларини амалга оширадиган субъектлар бўйича валюта операциялари банклар ва нобанк субъектлар бажарадиган операцияларга бўлинади. Валюта операцияларини бундай турларга бўлиниши учун валюта операцияларини кўп қисмини банклар амалга ошириши асосдир.

Ўз навбатида банк валюта операциялари банклар учун умумий критериялар бўйича (актив, пассив ва хоказо операциялар) ва махсус, фақат валюта операцияларига тегашли критерийлар бўйича турларга бўлиниши мумкин. Қуйидаги банк валюта операцияларини ажратиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган валюта операциялари; чегарани ўтиш билан боғлиқ бўлган валюта операциялари; узбек банкларининг хорижда амалга оширадиган валюта операциялари.

2. Мижоларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва банк ўзи номидан ва ҳисобидан ўз манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган операциялар.

3. Ўз навбатида, мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган операциялар резидентлар ва норезидентларга хизмат кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган валюта операцияларига бўлинади. Норезидентларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган валюта операциялари орасида Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигидаги норезидентлар учун амалга ошириладиган валюта операциялари ажратилади.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун меъёрлари бўйича, валюта операцияларига бир қатор сўм операциялари ҳам киради. Бу операциялар авваламбор узбек банклари томонидан норезидентларга сўм ҳисобварағини очиш ва юритиш бўйича операциялардир. Бундай операцияларнинг валюта операциялари тури деб ҳисоблашнинг асосий сабаби бу операцияларда хорижий элемент қатнашишидир.

Банк валюта операциялари банк сўм операциялари аналогияси бўйича қуйидаги операцияларга бўлса ҳам бўлади:

1) маблағларни жалб этиш бўйича операциялар (масалан, чет эл валютасида омонатларни қабул);

2) кредит операциялари (қонунда кўрсатилган холларда чет эл валютасида кредитлар бериш, мижозларни учинчи шахсларга бўлган талабларини сотиб олиш, мижозлар учун кафолатлар бериш);

3) тўлов муомиласида қатнашиш (чет эл валютасида тўловларни амалга ошириш, чеклар бўйича тўловларни ўтказиш).

Тўловлар муомиласида қатнашиш бўйича валюта операциялари банк валюта операцияларини кўп қисмини ташкил қилади. Амалиётда Ўзбекистон банклари резидентларни валюта ҳисобварағларини ва норезидентларнинг сўм ҳисобварағларини юритиш, валютада ҳдсоб-китобларни амалга ошириш, халқаро пул ўтказиш, биржа ва биржадан ташқарида ўтказиладиган валюта савдоларида қатнашиш каби валюта операцияларини бажаради.

2. Қимматли қоғозлар билан банк операциялари моҳияти, аҳамияти ва турлари.

Ҳозирги банклар қимматли қоғозлар бозорлари фаол иштироқчисидир. Катга маблағларига эга бўлган банклар пулларини бир қисмини қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишга сарфлайдилар ва бу операциялардан анча фойда кўрадилар.

Фуқаролик Кодексининг 96 -моддасига биноан *қимматли қоғоз* - бу мулкый ҳуқуқларни белгилаган шаклда ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқдовчи ҳужжатдир. Бу ҳужжатни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозларга акция, облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари , банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Банк юқорида кўрсатилган қимматли қоғозларнинг деярли ҳаммаси билан операциялар амалга оширади. Банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари - бу тижорат банки томонидан қимматли қоғозларга эгаллик ҳуқуқини белгилаш, ўзгартиртириш ва бекор қилишига йўналтирилган юридик аҳамиятга эга бўлган ва техник ҳаракатлар жамидир.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари иқтисоддаги сармояларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашга кўп пул маблағларини йиғиб, иқтисоднинг фойдали тармоқларига жойлаштиришга ёрдам беради. Қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш орқали иқтисоднинг давлат бюджетидан молияланмайдиган еки етарли даражада молияланмайдиган тармоқдари пул маблағлари билан таъминланади.

Қимматли қоғозлар билан операциялар ЎР МБ томонидан ҳам, тижорат банклар томонидан ҳам амалга оширилади.

ЎР МБ бағишланган бўлимда кўрсатилиб ўтилгандек ЎР МБ тижорат муассаса ҳисобланмайди. Шу сабабдан у қимматли қоғозлар билан операцияларни ўз функциялари ва вазифаларини бажариш доирасида амалга оширади. Масалан, иқтисодни пул-кредит тартибга солиш жараёнида ЎР МБ давлат қимматли қоғозлари билан операциялар бажаради.

Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларнинг амалга оширишининг асосий мақсади ўз акциядорлари учун фойда келтиритишдир. Қимматли қоғозлар билан аниқ операцияларни бажаришда тижорат банк ҳар ҳил мақсадни кўзда тутиши мумкин, масалан мижозларнинг сонини кўпайтириш, кўрсатиётган хизматларини кенгайтириш, янги тармоқларни ўзлаштириш ва ҳоказо. Лекин акциядорлар учун фойда кўриш бу операцияларнинг асосий мақсадидир.

Тижорат банклар қимматли қоғозлар билан турли операциялар бажарадилар. Турли асосларга кўра бу операцияларни ҳар хил гуруҳларга бирлаштиради бўлади.

Қимматли қоғозлар эгалари бўйича қимматли қоғозлар билан банк операциялари бан^шинг ўзининг қимматли қоғозлари билан операциялари ва бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан операцияларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биринчи гуруҳ операцияларидан кўпинча ўз акциялари билан операцияларни амалга оширади. Ҳозирги даврда банкларга векселлар билан операцияларни амалга ошириш тақикданади. Банклар ўзларини облигация ва чеклари билан операцияларни амалга оширишлари мумкин. Баъзи бир банклар (айниқса ЎР Халқ банки)

депозит ва жамғарма сертификатлари билан операцияларни амалга оширади.

Бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан операциялар орасида банклар кўпинча акциядорлик жамиятларнинг акциялари билан операцияларни бажарадилар. Банклар векселдан ташқари бошқа эмитентларни бошқа қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширади.

Қимматли қоғозлар бозорига кўра тижорат банклар бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида операциялар бажаради. Бирламчи қимматли қоғозлар бозорида банклар ўзларини еки бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини бирламчи сотувида қатнашади. Қимматли қоғозлар биринчи олувчилардан учинчи шахсларга ўтадиган бозо иккиламчи бозор ҳисобланади.

М.М. Агарковнинг банк операцияларини классификациясидан фойдаланиб, қимматли қоғозлар билан банк операцияларини қуйидагиларга ажратса бўлади:

1) маблағларни жалб этиш бўйича операциялар (масалан, омонат ва депозит сертификатлар, облигациялар билан операциялар);

2) кредит операциялари (масалан, мижознинг ҳисобварағида пул бўлмаганда векселлар бўйича тўловларни амалга ошириш);

3) тўлов муомиласида қатнашиш (масалан, чеклар асосида тўловларни амалга ошириш).

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бир тури деб фуқаролий-ҳуқуқий шартномалар асосида банклар томонидан қимматли қоғозлар билан ишончли операцияларни ажратиш мумкин. Бу шартнома бўйича банклар шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига мижозларга тегишли қимматли қоғозларни бошқаради. Банк қимматли қоғозлар эгаси номидан акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашади, дивидендларни келиб тушушини таъминлайди, қимматли қоғозларга эгалик қилиш бўйича бошқа ҳуқуқларни амалга оширади.

Тижорат банкларнинг амалиётда кўп бажарадиган қимматли қоғозлар билан операцияларининг айрим турларини батафсал кўриб чиқамиз. Бу акция, облигация, вексель ва чеклар билан операциялар.

Банклар ўз акциялари ва бошқа эмитентлар акциялари билан, бирламчи ва иккиламчи бозорларда акциялар билан операциялар бажариши мумкин.

Акция - бу акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва, қоида тариқасида, ушбу жамиятга бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар, қоида тариқасида, акциядорлик жамиятлар шаклида ташкил қилиниши сабабли деярли ҳамма банклар ўз акциялари билан бирламчи бозорда операциялар амалга оширади. Банклар акцияларни банкни ташкил қилишда, устав жамғармасини кўпайтиришда, акцияларни бўлиш, консолидация (қўшиш) қилиш, конвертация (бошқа қимматли қоғозлар, масалан облигациялар, ёки акцияларнинг бир тури бекор қилиниб, уларнинг ўрнига бошқа акциялар чиқариш) қилишда чиқарилади.

Банкларнинг акциялар эмиссия қилиши бошқа акциядорлик жамиятларнинг эмиссия қилиш тартибида амалга оширилади, масалан, қимматли қоғозлар бозорини координация қилиш Марказида акциялар эмиссияси рўйхатга олинади, такдим этилган ҳужжатларга бир хил талаблар ўрнатилади, бир хил йўллар билан акциядорлар ўрасида жойлаштирилади.

Лекин банкларнинг акцияларининг эмиссияси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Эмиссияни рўйхатга олишдан аввал банклар ЎР МБ розилигини олишлари шарт. Банк назоратини амалга оширадиган ЎР МБ банк-эмитентнинг, унинг таъсисчиларининг ва акциядорларининг молиявий ҳолатини чуқур ўрганади, ва керак бўлса, эмиссияни тақиқлаб қўйиши мумкин.

Банк ташкил қилиниши пайтидаги эмиссия қилинган акциялар таъсисчилар ўртасида жойлаштирилиши керак. Бундай талаб очиқ акциядорлик жамиятларга ҳам тегишлидир. Бу талабнинг сабаби Марказий банк мижозлар ва кредитлар манфаатларини химоя қилиш

мақсадида акция сотиб олувчи шахсларни молиявий ахволини текшириш ва молиявий барқарор бўлмаган шахсларни таъсисчилар сафига киритмашдир.

Бошқа эмитентлар акциялари билан операцияларни амалга оширилганда тижорат банклар улар акцияларини ўзлари портфелларига (яъни ўзлари учун) ёки кейинчалик сотиб фойда олиш ниятида сотиб олишлари мумкин. Бошқа эмитентлар акцияларини сотиб олишда банклар қимматли қоғозларга маблағларни сарфлаш бўйича ЎР МБ томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрга амал қилишлари керак, яъни бошқа эмитентлар акцияларига ўз устав жамғармасидан 12% дан кўп бўлмаган миқдорда пул маблағларини сарфлашлари мумкин.

Бундан ташқари, тижорат банклар фуқаролик - ҳуқуқий шартномалар асосида белгиланган тўлов эвазига бошқа эмитентларнинг акцияларини жойлаштириш билан шуғурланиши мумкин (топширик, воситачилик ва хоқазо шартномалар). Мисол тариқасида Халқ банки томонидан аҳоли орасида хусусийлаштирадиган инвестицион фондлар акцияларини жойлаштиришни келтириш мумкин.

Облигация уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарта облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Облигацияларни давлат ҳам (республика ички қарзларининг ва маҳаллий қарзларининг облигациялари) корхоналар ҳам чиқарилиши мумкин.

Тижорат банклар ўз облигациялари ва бошқа эмитентлар облигациялари билан операцияларни амалга оширишлари мумкин. Банклар айниқса ишончли ва даромадли бўлган давлат қисқа муддатли облигациялари билан операцияларни фаол амалга оширади.

Банкларнинг ўз облигацияларининг эмиссияси олдиндан ЎР МБ билан келишилган бўлиши керак.

Тижорат банклар облигациялар билан операцияларни уларнинг биринчи жойлаштиришда ҳам, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида ҳам операциялар бажаради. Акциялар билан операцияларни амалга оширгандай, тижорат банклар шартномавий асослар бўйича бошқа элементларни облигацияларини бозорда жойлаштириш ёки иккиламчи бозорда даромад олиш мақсадида облигациялар билан операцияларни амалга ошириши мумкин.

Вексель – вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгаси муайян суммани тўлаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Векселларнинг муомаласи Фуқаролик Кодекс, «Қиммати қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонун, ЎР МБ томонидан 1995 йил 30 майда тасдиқланган 149-сон қорхона ва ташкилотларнинг векселларининг чиқариш ва айланиши вақтинчалик тақтиби меъёрлари билан тартибга солинади.

Векселларни қорхоналар ва ташкилотлар томонидан олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-қитоблар учун вақтинча пул маблағлари етмаганлигини қоплаш учун банк кафиллигини (авальни) расмийлаштириш билан ёзилади. Вексел чиқариш ҳуқуқига молизиш барқарор мулкӣ ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар қорхона ва ташкилотлар эгадир. Қорхона ва ташкилотлар оддий векселлар чиқаради.

Вексель хоҳланган суммага уч ойгача, баъзи ҳолларда эса олти ойгача бўлган муддатта ёзилиши мумкин. Векселлар «Давлат белгиси» давлат қорхонасида ишлаб чиқарилган ва банклар орасида тарқатилган ўрнатилган бланкларда ёзилади. Векселларни муомалага киритмоқчи бўлган қорхона ва ташкилотлар банкка аваль расмийлаштирилган вексел бериш тўғрисида мурожат қиладилар.

Қорхона ва ташкилотни молиявий ҳолатини ўрганиб чиқиб, банк уларга векселларни аваллаб ёзиб беради. Қорхона ва ташкилот вексел берувчи деб номланади ва векселларни товар (иш, хизмат) етказувчига етказилган товар (иш, хизмат) учун бериши мумкин. Товар (иш, хизмат) етказувчи вексел олувчи деб номланади. Ўз навбатида, вексел олувчи векселни унга товар (иш, хизмат) етказган шахсга бериши мумкин. Векселни бунда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши индосамент деб аталади. Индосамент бўйича вексель муддати тугагунча узлуксиз бир шахслардан иккинчи шахсларга ўтиши мумкин. Индосамент бўйича векселни

олувчи индоссат, векселни берувчи индосант деб аталади.

Векселни такдим этган шахс, агар унинг ҳуқуқи узлуксис индосамента асосланган бўлса, векселни қонуний эгаси бўлади.

Тўлов муддати келган муддатда вексел эгаси векселни банкка тўлов учун такдим этиши керак. Банк вексел бўйича муддати келиши пайтига вексел берувчининг вақтинчали (маблағ йиғиш учун) ҳисобварағда керакли маблағларни йиғиши лозим. Агар векселнинг муддати келган пайтда вексель берувчининг ҳисобварағида керакли пул маблағлари бўлмаса, банк ўз маблағларидан вексел суммасини тўлаши керак ва вексел бўйича биринчи индосантга (банкдан вексел олган корхона ва ташкилот) бўлган талаблар банкка ўтади.

Агар вексел берувчи ҳам, банк ҳам векселдаги суммани тўламаса, вексел эгаси векселни протест қилиб, ўз хошишига кўра вексел берувчига еки исталган индосантга, ёки бир пайтда уларнинг ҳаммасига даво қилиши мумкин, чунки улар вексел эгаси олдида солидар жавобгардирлар. Векселда кўрсатилган суммани тўлаган индосант бошқа ҳамма индосантларга зараларни қоплаш талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Чеклар билан тўловларни амалга ошириш масалаларини кўриб чиқилганда айтилгандек, чек - бу мижозлар махсум ҳисоб-варағга керакли пул маблағларини киритганлардан сўнг бериладиган ва ўрнатилган шаклда бўлган, банк қонунчилигида кўрсатилган реквизитларга эга бўлган («чек» номи, серияси, рақами, чек эгасининг ҳисоб рақами, пул маблағи ва хоқазо) ҳужжатдир.

Товар олувчи олган товар учун товар етказувчига тўлов сифатида чек бериши мумкин. Товар етказувчи чекни банкка такдим этади. Банк бу чек бўйича товар олувчи ҳисоб варағидан чекда кўрсатилган суммани товар етказувчи ҳисоб варағига ўтказди.

Шундай қилиб, чек ҳам тўлов ҳужжати, ҳам қимматли қоғоз ҳисобланади. Тўлов ҳужжати сифатида чек тўловлар ўтказиш асоси бўлши мумкин. Қимматли қоғоз сифатида чек унда кўрсатилган ҳуқуқларни уни такдим этгандагана амалга ошириш ва бошқа шахсларга бериш мумкинлигини тасдиқлайди.

3.Мижозларнинг пул маблағларини бошқариш.

Мижозларнинг пул маблағларини бошқариш банк томонидан банк ва мижоз ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон банк соҳасида банк операцияларини бу тури ҳали кўп тарқалгани йўқ. Нафақат банклар клиентлари, банкларнинг ўзлари ҳам пул маблағларни бошқариш бўйича операцияларини хусусиятлари билан яхши таниш эмаслар.

Мижозларнинг пул маблағларини бошқаришни тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжат ЎР Фуқаролик Кодексидир. Кодекснинг 49-боби мол-мулкни ишончли бошқаришга бағшланган. Фуқаролик Кодекснинг 851-моддасининг 2 қисми қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, пул маблағлари ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмайслигани аниқлайди. Бундай истисно ҳоллар сифатида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банк томонидан мижозларни пул маблағларини бошқариш бўйича банк операцияларини келтириш мумкин.

Пул маблағлари бозорининг профессионал иштироқчиси сифатида банк бозор иқтисодиёти шароитларида мижозлардан кўра кўп имкониятларга, билимлари етарли даражали мутахасисларга эга бўлиб, мижозларини маблағларини уларнинг ўзларидан яхшироқ жойлаштириб уларга кўпроқ фойда келтираши мумкин. Банклар ҳам бундай операцияларга қизиқадилар, чунки бундай операциялар ўз маблағларидан фойдаланмай қўшимча фойда кўри имкониятини яратади.

Банклар мижозларнинг пул маблағларини ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида бошқаришлари мумкин. Бу шартнома бўйича банк ишончли бошқарувчи, мижоз эса - бошқаруving муассиси сифатида ҳаракат қиладилар. Шартнома доирасида банк мижоз маблағларига эгалик ҳуқуқий ваколатларини амалга оширади. Лекин банкнинг ҳамма ҳаракатлари шартномада фойда олувчи (бенифициар) сифатида кўрсатилган шахс учун фойда

кўришга йўнатилган бўлиши керак.

Банк муассиснинг пул маблағлари бошқа юридик шахслар низомий жамғармасига киритиш, кимматли қоғозлар олиш ёки кредитлаш учун фойдаланиши мумкин. Банклар муассисларга шартномада аниқданган муддатларда пул унинг маблағларини қайси тарзда фойдаланаётганлиги тўғрисида ҳисоботлар бериши керак.

Пул маблағларини бошқариш бўйича кўрсатган хизматлари учун банк мижоздан ҳақ олади. Бу ҳақ шартномада кўрсатилган бўлиб, мижоз кўрган фойдасига нисбатан фойизларда ёки аниқ миқдорда бўлиши мумкин.

Пул маблағларини бошқариш тўғрисидаги шарнома оддий ёзма шаклда бўлиши керак. Ёзма шаклга риоя қилинмаса, бундай шартнома ҳақиқий бўлмайди.

Шартнома муддати 5 йилдан ошмаслиги керак. Агар бу муддат тугагандан сўнг томонларнинг биринг уни тугатиш тўғрисида аризаси бўлмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади. Шартномада қуйидагилар назарда тутилиши керак:

- 1) бошқарувга бериладиган пул маблағларини миқдори;
- 2) фойда олувчи тўғрисида кўрсатма;
- 3) ҳисобларни тақдим этиш учун муддатлар;
- 4) бошқарув шартномаси бекор қилинган тақдирда пул маблағларини оладиган

шахс;

- 5) агар ҳақ тўлаш шартномада кўзда тутилган бўлса, банкка ҳақнинг миқдори ва шакли;

Шу шартлар бўлмаган тақдирда, шартнома тазилмаган ҳисобланади.

Пул маблағларини бошқариш жараёнида бенифициар манфаатлари тўғрисида етарли ғамхорлик қилмаган ишончли бошқарувчи бенифициарга бой берилган фойдани, бошқарув муассисига пул маблағларини йўқотиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди. Агар бундай зарарлар енгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанини исбот қилиб берса, банк етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Пул маблағларини ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) тарафларнинг бирининг шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;
- 2) бенифициар-фуқаронинг ўлиши ёки юридик шахснинг тугатилиши;
- 3) банкнинг тугатилиши;
- 4) бенифициар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартнома бўйича фойдани олишдан бош тортиши.;
- 5) қонунда ёки шартномада кўрсатилган бошқа асосларга мувофиқ.

4.Учинчи шахслар учун кафолатлар бериш.

Учинчи шахслар учун гарантиялар бериш Фуқаролик Кодексининг 23-бобининг §5 билан тартибга солинади. Кафолатта кўра банк (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафилл ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенифициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради.

Бу операцияни амалга оширишда принципал кредитор олдидаги мажбуриятларини бажариши кафиллигини бериш тўғрисидаги илтимос билан банкка мурожаат қилади. Принципалнинг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқиб, банк ёзма равишда кафиллик беради. Кафилликда қайси ҳолларда, қандай ҳужжатларни тақдим этилганда банк кафиллик суммасини принципалнинг кредиторга тўлашини кўрсатади.

Тўланадиган пул миқдорини банк кафиллик хатида кўрсатади ва бу пул миқдори

принципалнинг кредитор олдидаги мажбуриятдан кўп еки оз бўлиши мумкин. Кафолатдан фарқ қилган ҳолда кафил бенифициарнинг зарарларини, тўланган жарималарини, суд жараенида бўлган харажатларни қопламайди, фақат кафиллик хатида кўрсатилган сумма тўлайди.

Принципал ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда бенифициар банк- кафилга ёзма равишда кафиллий пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги талаби билан мурожаат қилшпи керак. Банк кафолатда кўрсатилган муддат тугаган бўлса, бенифициар такдим этган талаблар ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартномасига мос келмаса банк кафолат суммасини қондиришни рад этади.

Бенифициар фақат кафолатда кўрсатилга муддат давомида банкдан кафолат суммасини талаб қилиши мумкин. Бенифициарга пул суммасини тўлагандан сўнг кафил регресс тартибида бенифициарга тўлаган суммани принципалдан талаб қилиши мумкин.

Кафолат берганлиги учун принципал томонларни келишувида аниқданган миқдорда ва шаклда банкка ҳақ тўлайди.

Агар кафолатда кўрсатилмаган бўлса, банк бир томонлама уни чақириб олиши мумкин эмас.

Кафолат бўйича банкнинг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда тамом бўлади:

- 1) кафолат суммасини бенифициарга тўланиши;
- 2) кафолат муддати тугаши;
- 3) бенифициарнинг кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни

кафилга қайтариб бериши.

5.Лизинг.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги пайтда банклар молиявий лизинг бўйича операцияларини мижозларнинг пул маблағларини бошқариш бўйича операциялар каби кам амалга оширадилар.

Лизинг операциялари Фуқаролик Қрдексининг 34-бобининг §6, ЎР МБ томонидан 1999 йил 7 майда тасдиқданган 327-сон тартиб меъёрлари билан тартибга солинади.

Лизинг операцияларини амалга оширишда банк - лизинг берувчи (ижарага берувчи) лизинг олувчи (ижара олувчи)нинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан ўз маблағлари ҳисобига истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланадиган ашёлар сотиб олади ва уларни ижара олувчига ижарага беради.

Бу операцияни амалга оширишнинг биринчи босқичида ижара олувчи банкка лизинг шартномаси тузиш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилади. Банк мурожаат қилувчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилади. Агар таҳлил натижаси ижобий бўлса, банк ва ижара олувчи лизинг шартномасини тузади.

Бу шартнома бўйича банк ижара олувчи буюртган ашёни сотиб олиб унга ижарага бериш мажбуриятини олади, ижарачи эса банкка ижара тўловларини тўлаш мажбуриятини олади. Бундай кейин банк ижарачи буюртган мол-мулкларни ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи билан музокаралар олиб боради ва ўз номидан олди-сотди шартномасини тузади.

Банк сотиб олинаётган мол-мулклар ижарага берилиши мулжалланган тўғрисида сотувчини огоҳлантириши керак. Амалиётда ашёларни олувчи шахс сифатида ижарачи ҳаракат қилади.

Лизинг шартномасида лизинг тўловларининг миқдори, шакли ва амалга ошириш тартиби кўрсатилиши керак. Лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг объектининг сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини ва лизинг ставкасини (лизинг берувчи оладиган фойданинг миқдори) ўз ичига оладиган пул суммасидир. Шу сабабли агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

Ижарага олувчи ўз ҳисобидан лизинг объектини суғурталаш керак, чунки мол-

мулкининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижара олувчига бу мол-мулкнинг топшириш пайтида ўтида.

Лизинг объектидан фойдаланиш жараёнида лизинг олувчи лизинг берувчига шартномада кўрсатилган муддатларда объектдан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот беради. Бундан ташқари, банк вакиллари лизинг объектидан фойдаланишни ўрнида текширишга ҳақлидирлар. Ҳисобот берилмаган, ҳисоботни сохталаш, лизинг объектини ў мўнжалигадан ташқари ишлатиш ҳолларда банк лизинг шартномасини бекор қилиб ижара олувчидан кўрган зарарларини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

б.Факторинг.

Факторинг операциялари Фуқароли Кодексининг пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялашни тартибга солувчи 42-боби, ЎР МБ томонидан 1997 йил 15 мартда тасдиқланган 326-сон факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом меъёрлари билан тартибга солинади.

Факторинг - маҳсулот етказиб берувчини етказиб берган товарлар, бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлари учун олдиндан акцептланган, лекин тўланмаган тўлов талабномалари бўйича тўловларни олиш ҳуқуқини банкка ўтказишидир. 326-сон Низомнинг 1.2.-банди хато равишда факторингни тижорат кредити ҳисобига қўшади. Фуқаролик Кодексининг 748 моддасига биноан бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ва хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш пайтларида тижорат кредити тўғрисида гап юритса бўлади. Факторинг операцияларини амалга оширишда бундай ҳоллар бўлмайди.

Факторинг операцияларида молиявий агент сифатида ҳаракат қилувчи банк, банкнинг миждози ва банк миждозининг қарздори қайнашадилар. Фуқаролик Кодекс келажакда етказилган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича келиб чиқадиган пул талабларини ўтказишни тақиқламасада, Низом фақат товарлар, ишлар, хизматлар етказилгандан сўнг факторинг шартномасини тузишни талаб қилади.

Ҳамма шахсларга ҳам банк факторинг хизматини кўрсатавермайди. Тадбиркорларга, зиенли корхоналарга, бартер келишувлар бўйича банкларга факторинг операцияларини ўтказиш тақиқланган. Бундан ташқари, маҳсулот етказиб берувчида ҳам ва тўловчида ҳам 2-сон картотека бўйича қарзлари бўлмаши керак.

Факторинг операцияси кўйидаги босқичларни ўз ичига киритади. Аввалам бор миждоз банкка факторинг шартномасини тузиш учун банкка мурожат қилади. Ўз аризасига миждоз кўйидаги ҳужжатларни илова қилади: қарздор билан шартномаси, товар етказиб берилганини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, акт), корхона баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, қарздор томонидан акцептланган тўлов талабномасининг нусхаси ва ҳоказо.

Бу ҳужжатлар асосида банк миждознинг молиявий ҳолатини ўрганади. Агар ҳужжатлардаги маълумотлар банкни қониқтирса банк ва миждоз ўртасида факторинг шартномаси тузилади. Бу шартнома бўйича банк миждозга шартномавий суммани ўтказиб беради. Бу сумманинг миқдори миждознинг қарздорининг пул мажбуриятини 80% кўп бўлмаслиги керак. Сумманинг қолган қисмини банк миждозга уни қарздоридан ундиргандан сўнг ўтказиб беради. Миждоз ўз қарздорига пул талабномасини банкка ўтказганини тўғрисида маълумот бериши керак. Акси ҳолда қарздор тўловни миждозга ўтказишга ҳақлидир ва шу билан ўзини пул мажбуриятдан озод қилади. 326-сон Низом банкларга муддати ўтган қарзларни ундириш билан шуғурланишни тақиқлайди. Амалиётда банклар бундай вазифани миждозлардан кўра яхши бажарган бўлардилар, чунки миждозларга қараганда банклар қарзларни ундириш бўйича судлашиш бўйича сарфларни қоплашга етарли маблағларга, юқори малакали мутахасисларга эгадир.

7.Банклараро операциялар.

Банк хизматларини кўрсатувчи ҳам олувчи ҳам банклар бўлган банк операциялари **Банклараро операциялардир.** Тижорат банклар бир бирларига ўз миждозларига кўрсатадилан **практически** ҳамма банк операцияларини кўрсатадилар. Банклар бир бирларига ҳисоб-китобларни амалга ошириш, омонатларни қабул қилиш, кредитлаш бўйича, қимматли қоғозлар ва валюта билан операцияларни амалга оширадилар. Бу операциялар миждозларга кўрсатиладиган операциялар билан мазмуни бўйича бир, лекин шакли хар хилдир. Банклар ўртасидаги муносабатлар банлар аро келишувлар билан тартибга солинади. Амалиётда кўп тўзиладиган келишувлардан бири корреспондент шартномасидир.

Корреспондент муносабатларини ўрнатиш учун бир банк ўзи ҳамкорлик учун танлаган иккинчи банкка корреспондентлик муносабатлар ўрнатиш таклифи билан хат йўлайди. Хатга банк фаолияти тўғрисида, низом жамғармасини миқдори тўғрисидаги маълумотлар бор ҳужжатлар, банк лизензиясининг нусхаси илова қилинади. Таклифга ижобий муносабат бўлган тақдирда банклар ўртасида корреспондентлик шартнома тузилади. Бу шартномада банклар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди, қайси ҳисоб китоблар бўйича ўзаро ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятлар бекор қиладилар, банк хизматлари учун ҳақ тарифларини келишадилар, қайси мансабдор шахслар тўлов ҳужжатларини имзолайдилар ва ҳоказо. Бу шартнома асосида тижорат банклар бир бирларига корреспондент ҳисобварағ очадилар. Бу ҳисобварағлар мазмуни бўйича миждозларнинг ҳисобварағи билан бир хил. Корреспондент ҳисобварағларда операциялар банк корреспондент топшириғи бўйича унинг ҳисобига амалга оширилади. Лекин корреспондент ҳисобварағини кредитлаш тақиқланмаган ва банк корреспондентнинг ҳисобварағида керакли пул суммаси бўлмаса, хизмат кўрсатувчи банк операцияларни ўз ҳисобидан амалга ошириши мумкин.

Корреспондент муносабатлардан кўпинча Ўзбекистон банклари ва хорижий банклар ўртасида фойдаланилади. Бундай муносабатлардан Ўзбекистон банклари ўз миждозларининг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш жараени билан боғлиқ валюта операцияларни амалга оширишда фойдаланади.

Корреспондент ҳисобварағлар қуйидаги номларга эга. А банкнинг Б банкдаги ҳисобварағи А банк учун «Лоро», Б банк учун «Ностро» деб аталади. Ва аксинча, Б банкнинг А банкдаги ҳисобварағи А банк учун «Ностро» Б банк учун «Лоро» бўлади. Юқорида кўрсатилганлар банклараро ҳисоб-китоб операцияларидир. Корреспондент ҳисобварағдан ташқари банклар аро ҳисоб китоблар ЎР МБ ҳисоб-касса марказлари ва банкларни ўзаро ҳисобга ўтказиш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ташкил қилинган клиринг ташкилотлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Юқорида тақиқлагандек, банклар бир бирларига кредит ва омонат операциялари бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклараро кредит ва омонат операциялари бир операцияни ташкил қиладилар: бир баньшинг иккинчи банкка берган кредити иккинчи банк учун омонат деб ҳисобласа бўлади. Бир банк иккинчи банкка пул маблағларини ўтказганда банклараро кредит шартномаси тузилади ва бу шартнома бўйича кредитор - банк қарз олувчи банкка пул ўтказиб бериш мажбуриятини олади, қарз олувчи банк кредитор-банкка олган кредитни вақтида қайтариб унга фойизлар тўлаш, мажбуриятини олади.

Банклараро кредитлаш миждозларни кредитлаш принциплари бўйича (вақтлилиги, ҳақлилиги, қайтарувлиги, таъминланганлиги) амалга оширилади. Бу принциплардан фақат кредитдан мақсадли фойдаланиш принципига амал қилинмайди, чунки қарз олувчи банк ўз эрки асосида кредит маблағларини ишлатади.

Банклараро валюта операциялари бир банк валюта лицензияга эга бўлмаган ҳолда унинг илтимосига кўра башка банк валюта операцияларини амалга ошириш бўйича ёки банклар ўртасида валютани олиб-сотиб операцияларини валюта операциялари мисолида келтирса бўлади.

Бир банк касса операцияларни амалга ошириш учун лицензия бўлмаган тақдирда ёки вақтинча техник сабабларга касса операцияларини амалга ошириш имконияти бўлмаганда иккинчи банк учун касса операцияларини бажариши мумкин.

Банклар бир бирларига қимматли қоғозлар бўйича операцияларини банклар ўз миждозларига кўрсатган тартибда такдим этадилар. Фарқи фақат банк ва ҳисобот ҳужжатларини тўлдириш тартибида бўлади, бу операциялар бўйича ҳисоб-китоблар қорреспондент ҳисобварақ, ЎР МБ ҳисоб-касса марказлари ёки клиринг ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабр 1992 йилда қабул қилинган. / Конституцияга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган ЎЗР 28.12.1993 й. 989-ХП-сон Қонуни, ЎЗР 24.04.2003 й. 470-П-сон Қонуни.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш. - Т: “Ўзбекистон”, 2005.
3. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
5. Марказий банк тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 21.12.95 й. Қонуни
6. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 25.04.96 й. Қонуни
7. Кредит уюшмалари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2002 й. Қонуни
8. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 й. Қонуни
9. Банк сирини тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2003 й. Қонуни
10. Валютани тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 й. Қонуни
11. Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.97 й. Фармони.
12. Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2000 й. қарори.
13. "Республика банк кенгашини тўзиши тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.11.2002 й. ПФ-3162-сон Фармони
14. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомини риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.03.2002 й. Фармони
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
17. Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг урнатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2000 й. 258-сон қарори
18. Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2001 й. 423-сон қарори
19. Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2001 й. 349-сон Қарори
20. Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.02.2003 й. 63-сонли Қарори

21. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Коидалари (ЎзР АВ 17.12.1998 й. 565-сон билан рўйхатга олинган)
22. ЎзР Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом (янги таҳрири) ЎзР Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан тасдиқланган
23. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзР АВ 14.05.2002 й. 630-5-сон билан рўйхатга олинган)
24. ЎзР Банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос ракам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/5-сон қарори билан тасдиқланган илова)
25. Юридик шахслар учун ЎзР МБ облигациялар чиқариши ва муомалада бўлиши тўғрисида Низом (ЎзР АВ 16.05.2002 й. 1140-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МББ 22.04.2002 й. 10/4-сон Қарори билан тасдиқланган)
26. Миркин Я.М. Банковские операции. М.: Инфра-М. 1996.
27. Худойкулов У.Ч., Эрдонаев А.Х. Комментарий к законам Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан» и «О банках и банковской деятельности». Т.: Узбекистан, 1998.
28. Лаврушин О.И. Банковское дело. М.: Финансы и статистика. 1999.
29. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳукуки. Дарслик. Т., Мехнат, 1999 й.
30. Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технология. Учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
31. Муллажонов Ф.М. Банковская система Узбекистана: шаги десятилетия // Рынок, деньги, кредит. 2001, №8.
32. Агарков М. Банковское право. М.: БЕК. 2002.
33. Финансовое право. Учебник под ред. И.Н.Химичевой. М.: Юристъ, 2002.
34. Тимофеев З.А. Системы надзора за деятельностью коммерческих банков // Деньги и кредит. 2002, №8
35. Рахимова А.А., Хожиев Э.Т. Молия ҳукуки. Дарслик. Т., ТДЮИ, 2002 й.
36. Рахимова А.А., Хожиев Э.Т. Молия конунчилиги тизими. Ўқув кўлланма. Т., ТДЮИ, 2003 й.
37. Ли А.А. Финансовое право Республики Узбекистан. Т., ТГЮИ. 2003.
38. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳукуки. Дарслик. 2-нашр. Т., 2004 й
39. Тедеев А.А., Парыгина В.А. Финансовое право. Учебник. М.: ЭКСМО. 2004.